# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

38 сон
16-22 сентябр
2004 йил


# ОИЛА ЧИРОҒИ



**60 дан ошиқ қизлару ўғиллар, келинлару куёвлар, набираю абиралар, чеваралар даврасида гул-гул яшнаб ўтирган 83 ёшли табаррук онахон София Бобохонова ҳикоя қиладилар:**

- Отамиз Эшонбобохон ибн Абдумажидхон Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг биринчи муфтийси бўлган. 30-40-йилларда шўролар ҳукумати отамни ва Зиёвуддинхон акамни қатағон қилди. Шундан сўнг Бадриддинхон акам ва Насриддинхон укам ва мен мактабдан ҳайдалганимиз... Кутубхонамиздаги ноёб диний китобларни ёқиб ташлашгани, бизни шаҳар ҳовлимиздан чиқариб юборишгани ҳамон ёдимда. Вақт ўтиб, кейинчалик отам Диний назоратга раис, акам Зиёвуддинхонни уларнинг муовини этиб сайлангандан кейин ҳовлимизни иш юритиш учун қайтариб беришди. Олти ўғилнинг орасида битта қиз эдим.

## Яхшилардан сўз очдик

Онам Саломатхон уй бекаси эдилар. Ота ва онамиз ҳалолликни, покизаликни биринчи ўринга қўйишган. Эсимда, ҳовлимиздан ўтадиган ариқ сувига хас туширган ёки тупурган одам жазосиз қолмасди. "Еган луқманг, ичган сувинг ҳалол бўлсагина - қонинг тоза, идрокинг бенуқсон бўлади", - дердилар отам. Ошхонадаги гўштга, сабзавотга ва нонга тегадиган тиғлар алоҳида-алоҳида ажратиб қўйиларди. Биз еган таомдан қўшнимиз ҳам албатта туз тотиши шарт эди. «Оллоҳ сахийнинг боғини кўкартиради»,-дердилар отам ва бу йўлда ўзлари ибрат эдилар. 20 нафар эр-хотин кўзи ожиз оилаларнинг ҳар бирига Қорасаройдаги боғимизда уйлар қуриб бериб, меҳнат билан ризқ топишлари учун шароит яратганлар...

Дунёқарашимизга уйимиздаги муҳитнинг, келадиган меҳмонизломнинг ҳам таъсири катта бўлган. Хонадонимизга ташриф буюрган Жавоҳарлаъл Неру, Пабло Неруда, Лаъл Баҳодир Шастри, Индира Ганди, Аҳмад Сукарно... каби алломаларни ҳеч унутмайман.

Турмуш ўртоғим - Абдуҳалим Усмонхўжаев техника фанлари доктори, академик, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби эди. Ички маданияти жуда кучли инсон эди. Доим "илтимос" сўзини қўшиб мурожаат қилардилар. Беш фарзандимиз ҳам илму меҳнатнинг, "ҳалоллик"нинг этагини тутишди. Хўжайиним билан биргаликдаги 50 йиллик ҳаётимиздан фақат ширин хотиралар қолди...

**Софияхон аянинг ўғли Амирсаид Усмонхўжаев шу кунларда 60 ёшни нишонлаётган экан.**

- Отамдан "Эътиқод" деган улуғ фазилатни ўрганиб ўсдик, - дейди Амирсаид ака. - Отам республикада "Машина ва механизмлар назарияси" мактабига асос солиб, мазкур фан бўйича дарслик муаллифи ҳам бўлган. Отамнинг номиға қўйилган кўчадан ўтарканман, улар нафақат биз — фарзандлар, балки халқимиз ҳаётида ҳам ўчмас из қолдирганларидан ғурурланиб кетаман.

Отам ойимни: "Уй-рўзғор юритиш бўйича академик",- деб алқардилар. Ойим отамнинг илм билан шуғулланишига шароит яратган. Бирор марта «чарчадим» ёки "бошим оғрияпти",-деб ўтирганларини кўрмаганмиз.

- Ойижонимизнинг: "Хасдан паст юринглар, камтар ва оддий кийининглар!" - деган ўгитлари ҳаммамиз учун қўлланма. Худога шукр, ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Ойижонимизга раҳмат. Умрлари узоқ бўлсин, - дейди қизлари Илмирахон.

**Софияхон аянинг кўркам рухсорига боқиб, яна саволга тутаман:**

**- Онажон, ҳамон чиройингизни, сарв-қоматингизни (кўз тегмасин) сақлаб қолибсиз. Сабаби не?**

- Бунинг сабабини сўрасангиз, оддий - ҳар доим ҳаракатдаман. Ошхона иши, пазандалик - жону-дилим. Аслида, ажойиб келинлардан, қизлардан, қолаверса, набиралардан ҳам менга иш "тегмайди". Барибир ўзим учун "иш" топишга ҳаракат қиламан. Пардоз учун эса юзга қатиқ сурган бўлсам, қошга ўсмани "бегона" қилмаганман. Дастурхонимиздан мева-чева ва сут-қатиқни аритмаганман. Табиийликка не етсин... Ҳамма ҳам менинг ёшимга етсин, фарзандларининг бахтини кўрсин, ўргилай! - яйрабяшнаб гапирадилар ая.

**Аёлни - оиланинг ақл чироғи, дейишади. Ана шу чироқ қанчалик равшан ёнса, уйдаги муҳит ҳам шунча соғлом ва файзли бўларкан. Табаррук онахон Софияхон Бобохонова чироғининг ёлқини ҳали яна қанча авлодлари қалбини ёритишига аминмиз.**

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**



*Раъно Субхонова, даволаш бўлими мудири.*

- Бу йил поликлиникамиз мижозларга хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида 100 миллион сўмлик замонавий ускуналар билан жиҳозланди,- дейди Тошкент шаҳри, Шайҳонтоҳур туманидаги TO'RTINCHI-масъулияти чекланган жамият стоматология поликлиникаси бош шифокори муовини, Дилҳаёт Мирқосимов,

Бизда тиш олиш, даволаш ва қўйиладиган ясама тишлар Европа сифати даражасида амалга оширилади.

Яқинда эса болалар бўлими ташкил этилди.

Уруш қатнашчилари ва ногиронларга 50 фоиз арзон нарҳда хизмат кўрсатамиз.

Мақсадимиз — ҳамманинг тиши соғлом бўлиб, чеҳрасига кўрк бағишлаб турсин.



*Суратда: (чапдан ўнгга) Аббос Умаров-даволаш ишлари бўйича бош шифокор муовини, Исроил Одилбеков-тиш техниги.*

**Ахборот**

## "ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛИГИ"

Шу йилнинг 9 сентябридан Ўзбекистон Бадиий Академиясининг Марказий кўргазмалар залида "Ўзбекистон ёшлиги" деб номланган қадимий ва замонавий бадиий ва халқ амалий санъати намуналаридан ташкил топган кўргазма фаолият кўрсатаяпти. Кўргазмада 120 дан ортиқ ранг-тасвир, график, миниатюра, кандакорлик, ёғоч ўймакорлиги, каштадўзлик ва бошқа йўналишдаги устозлар ва уларнинг шогирдлари томонидан яратилган асарлар жой олган. Кўргазмани кўришга келганлар уни томоша қилиб завқ олиш билан бирга ўзларига ёққан санъат асарларини сотиб олишлари ҳам мумкин. Бадиий кўргазма шу йилнинг 17 сентябригача фаолият кўрсатади.

**Л.АҲМЕДОВА**

# ВАТАНГА БАХШИДА УМР



Дунёда ўлим даҳшати, турли офатлар манзараси акс этган китоблар кўп. Шунингдек, мардлик, жасорат, муҳаббат ва садоқат шарафланган китоблар ҳам борки, Жўшнинг асл фарзанди Фахриддин Тиркашевнинг ёш умри, кўз очиб юмганча ўтган қисқа ҳаёти назаримда бундай тавсифга сиғмайди.

Қалби орзуларга тўла бу йигит - милиция катта сержанти Фахриддин Тиркашев Чорсу бозоридаги "Болалар дунёси" дўкони қаршисида ўзини портлатган жоҳил, сохта диндор - ижрочи аёл қилмишининг қурбони бўлди...

Шу ҳақда ўйлар эканман, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлиснинг ўн тўртинчи сессияси минбаридан туриб айтган мулоҳазалари ёдга тушади: **"Шундай ваҳшийликларнинг олдини олиш учун жон фидо этган мард йигитларни хотирлар эканмиз, хаёлимизга беихтиёр, бу бегуноҳ инсонларнинг айби нима эди, ахир, уларнинг ҳам бола-чақаси, ёру дўстлари, бу ҳаётдан умидлари бор эди, улар ҳам бахтли бўлишга ҳақли эди-ку, деган армонли сўзлар келади".**

Инсон инсоннинг заволига айланган ўша қора кун ҳақида ҳали кўп эсланар, китоблар ҳам ёзилар, аммо худди сиз-у биз каби яшашга, фарзандлар ўстиришга, уларнинг камолини кўришга ҳақли бўлган бир йигит энди орамизда йўқ. Куни кеча у ҳаёт эди. Қалби орзуларга тўла, ҳаётдан, касбидан мамнун, ширин-шакар икки қизалоғи, оиласи, яқинлари, дўст-у биродарларига меҳрибон, узоқларни кўзлаб, иштиёқ билан яшаётган эди. Тақдирми бу, ё тасодиф? Бизга, бандасига фол очиш, инсон тақдири устида ҳукм юритиш, баҳолаш ҳуқуқи берилмаган. Шундай бўлса-да, назаримда Фахриддиннинг пешонасига Ватан учун жон беришдек қаҳрамонлик ёзилган экан, дейишга журъат қиламан. Негаки, ҳар сония, ҳар соат, ҳар куни дунёда минглаб кишилар турли сабаблар билан бу ёруғ оламдан ўтади. Табиийки, уларнинг ҳар бирини ҳам биз билавермаймиз, эслаёлмаймиз. Аммо 2004 йил 29 март куни Тошкентдаги Чорсу бозорида юз берган портлаш оқибатида ҳалок бўлган Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бўлими патруль-пост хизмати ходими, милиция катта сержанти Фахриддин Тиркашевнинг номи бир кунда бутун мамлакатимиз ва бошқаларга маълум бўлди. Чунки унинг ўлими шунчаки одатий ёки бир тасодиф эмас, аксинча, ёвузликка қарши ва юзлаб бегуноҳ инсонларнинг жонини асраб қолишга фидо бўлган жон эди.

- Хизмат тақозоси туфайли ҳалок бўлган ҳамкасбим - Фахриддиннинг жасадини туғилган уйигача кузатиб бориш, дафн маросимида иштирок этиш менга юклатилди, - дейди милиция майори Шуҳрат Рўзиев. - Биз, милиция ходимлари хизмат юзасидан ҳар қандай оғирликка тайёрмиз. Вақти келса очликка ҳам, уйқусизликка ҳам чидаймиз. Баъзан ҳафталаб, ойлаб оиламизни кўрмай, яқинларимиз билан юзлашолмаган пайтлар ҳам бўлади. Аммо бошига бевақт мусибат тушган хонадонга ҳамкасбинг жасадини олиб боришдек—оғир, кўникиш, унутишдек мушкул иш бўлмаса керак. Бунинг нақадар оғирлигини Фахриддиннинг онаси Мастура ая яшаётган хонадонга яқинлашганимизда янада теранроқ ҳис эта бошладим. Нимасини айтай, бундай кун ҳеч кимнинг бошига тушмасин. Бутун вужудим қайғуга айланди. Ахир йўқотганимиз пул эмас, буюм эмас, азиз дўстимиз, биродаримиз, ҳамкасбимиз эди! Инсон эди!



*Фахриддин Тиркашевнинг турмуш ўртоғи Роҳия, қизлари Шаҳноза, Шаҳзода, акаси милиция подполковниги Мардон Ражабов ва ўғли Дилшоджон.*

Ҳаётда ҳеч ким атайлаб қаҳрамонлик кўрсатмайди. Бунинг учун киши ўзини билиб-билмай бало-қазога уриши шарт ҳам эмас. Қаҳрамонлик, аслида ўзига, касбига, юртига содиқлик, қолаверса, Ватан, миллат каби баланд мезонлар ҳам борки, булар кимлигингни элга ошкор этадиган, меҳнатингни баҳолайдиган тош-тарозидир.

Милиция катта сержанти Фахриддин Тиркашевнинг ҳаётига ана шу мезондан қаралса, у мактаб ёшиданоқ ўз йўли, мақсадини аниқ, тўғри танлай олганига амин бўламиз. Ўн нафар фарзанднинг кенжаси ҳисобланмиш бу йигит жуда чаққон, шўх, кўзлари қувноқ, самимий бола эди. Мактабда у ана шу хислатлари билан ўртоқларидан ажралиб турарди. Одатда, болалар тақлидни хуш кўришади. Ташқи томондан кўзга яхши кўриниб, ўзига тортиб турадиган ҳар бир нарса - буюм, жонивор, кийим, велосипед, мотоцикл, автомобил, от ва спорт ўйинлари, хуллас, шуларга ўхшаш яна кўпдан-кўп воситалар борки, булар болаларни ёшликдан ўзига чорлаб туради.

- Фахриддиннинг акаси катта ўғлим Мардонжон ҳам милиция ходими, - дея хотирлайдилар етмиш тўрт ёшли Мастура момо. - У Тошкентдек шаҳри азимдан Жўшга ҳар замонда бир келганида болалар тўпланишиб олдидан чиқар, ялтираган кийими, елкасидаги ярақлаб турган юлдузларига тикилиб тўйишмас эди. Мардонжон қишлоғимиз болаларига ҳавас улашиб кетарди. Кенжатойим акасига ҳавас қилиб Тошкентга талпинди. Милиционер бўлиш пешонасига ёзилган экан... Нима қилай болам, ўша аёлнинг, террорчи дейсизларми, диндор дейсизларми - ким у, билмайман, унинг она эканига ишонмайман. У чиндан ҳам диндор, иймонли бўлганида бундай ёвузликка қўл урмас эди. Оналар оналарни йиғлатмайди, оналар оналарга аза очирмайди. Аслида у Фахриддинни эмас, мени тириклайин гўрга тиқди, ўлдирди. То кўзим очиқ экан, ўша аёлни измига солиб, мендек оналарни болам, дея бўзлатганларни қарғайман...

Агар ҳақ бўлса, ота-онанинг қарғиши тошни тешади, деган гап бор. Биз ҳеч кимга ўлим тилаймаймиз, ўлим ҳам, тириклик ҳам Яратганнинг марҳамати, буйруғи дейдилар. Аммо тоғдек ўғлини йўқотган онанинг ҳолини тасаввур қилинг. Уни қандай юпатиш мумкин? Ўлимга чора йўқ, айриликнинг давосини ҳали ҳеч ким топмаган, ахир?! Одатда ҳар бир ота-она фарзандлари ортида қолишини истайди. Ражаббой ота Тиркашев билан ўн нафар ўғил-қизни тарбиялаб вояга етказган Мастура момо ҳар эрта фарзандларига умр, яхшиликлар тилаб, дуо қиларди. Чолидан ажрагач, болалари унга суянч бўлишиб, бағрини тўлдириб туришган эди. Ўнта бўлса - ўрни бошқа, деганлари рост экан: кенжатойи Фахриддиннинг ўрни бошқача эди. Она уни ўзгача бир интиқлик, соғинч билан кутарди, келини Роҳияхонни, неваралари Шаҳноза ва Шаҳзодани суюб, эркалаб тўймасди...

Айрилиқ нечоғли оғир, аламли бўлмасин, Фахриддиннинг умри беиз, бесамар кетмади. Кўнгилга таскин берадиган, нафақат таскин, балки умр аталмиш бебаҳо инъомни безаб туришга арзигулик хизмати, жасорати ҳақида ҳар қанча фахрланса, ёд этса арзийди. Ўттиз уч ёшли бу йигитнинг орзулари гўзал Оқтов ва Нурота тоғларидан нусха олиб ўсди, улғайди. Унинг кўнгли тоғлар каби виқорли, тоза, такрорланмас эди.

Кўпчилик (фақат Мастура момо эмас) уни акаси Мардон Ражабовга ҳавас қилиб, шу касбни танлаган деб эътироф этишди. Балки бу тўғридир, балки тахмин, балки қисматдир.

Шайхонтоҳур тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Мардон Ражабов билан суҳбатлашганимда, у киши узоқ ўйланиб:

- Фахриддинда милиция ходимига хос табиий хусусиятлар мавжуд эди, - дейди. - Агар укам тирик бўлганида, балки бу гапни айтмасмидим? Укаси ҳақида ошириб гапиряпти, деб ўйламангу, бироқ ҳақ гапни айтганда, Фахриддин туғма милиционер эди. Унинг ҳаракатлари, гап-сўзлари, ишига бўлган муносабатини кузатиб, ичимдан қувонар эдим. Келажакда ундан етук милиция ходими чиқишига астойдил ишонар, шундай укам борлигидан фахрланиб юрар эдим. Тақдир экан, пешонамизга сиғмади... Шундай деб ўзимга тасалли бераману, аммо онамга, укамнинг оиласига таскин беришга ожизман. Ҳеч ким яхши кўрган кишисидан ажрамасин экан, ҳалигача унинг гап-сўзи, қилиқлари, хушчақчақлиги кўз ўнгимдан кетмайди. Биз, ака-ука ҳафталаб, баъзан ойлаб кўришолмасдик. Буни милицияда ишлаган киши яхши тушунади. Ўлимидан ўн беш кун олдин ҳар куни учраша бошладик. Ҳали қарабсиз, ишхонамга кириб келади, ҳали қарабсиз, кеч бўлса-да, уйга бориб йўқлайди. Жиянлари (менинг болаларим)ни кўчага бошлаб чиқиб ширинликлар, музқаймоқлар олиб беради... Фахриддин ҳаётдан эрта кетди, унинг орзулари кўп эди. У ўғил кутаётганди. Унинг кимлигини яхшироқ билишингиз учун биргина мисол айтай. Ўша фожиали кун у қонуний дам олиши керак эди. Аммо террорчилар билан кечган тўқнашувларни эшитгач, ўз ихтиёри билан ишга чиққан ва шу куни эрталаб Чорсу бозорида ҳалок бўлди...

Агар тақдир қўлимизда бўлганида балки бу жудоликнинг олди олинармиди. Бугун Фахриддинни яхшилик билан эслаётганларнинг ҳисоби йўқ. Қишлоқдошлари, ҳамкасблари, ўқитувчилари, командирлари - ҳамма гапиргиси, ёд этгиси келади.

- Мен Фахриддин акамга доим ҳавас қилардим, - дейди ҳамкишлоғи милиция сержанти Ориф Бобоназаров куюниб. - У кишини ҳеч иккиланмай устозим дея тан оламан. Биз кўпинча бирга бўлардик, оилавий борди-келдимиз бор эди. Жуда аҳил эдик. Тақдирни қарангки, мен учун жуда оғир кечган ўша лаҳзаларда ҳам биз бирга эдик. Аллоҳ ўз раҳматига олсин, Фахриддин акамни, унинг азиз хотирасини ҳамиша эъзозлайман, унутмайман...

Хайриятки, хотира бор. Инсон хотираси чиндан-да азиз, уни эслаш, ёд этиш эса ундан-да азиз, хайрли, дейдилар. Фахриддин Тиркашев ана шундай эъзозли, ёд этишга арзигулик тақдир соҳиби бўлиб дўстлари, оиласи, яқинлари ва халқимиз хотирасида мангу қолди.

**Ражаббой РАУПОВ**

# ОНАНИ НИМА УЛУҒЛАЙДИ?

**(Боши ўтган сонда)**

Турмуш сабоқлари

Боғни отамга урушда бир оёғидан ажралган Нарзиқул чўлоқ деган колхоз раиси вақтинчалик деҳқончилик қилиш учун берган экан. Нарзиқул чўлоқ отсевар раис бўлган. Ҳамиша унинг 2-3 оти бўлиб, охирги йиллар бу отларни кўпкарида отам чопган экан. Отамнинг от чопиши раис отларининг довруғини кўтарганлиги туфайли отам раисга жуда ёқиб қолиб, келажакда отамдан яна шу мақсадда фойдаланиш учун ихтиёридаги боғни берган. Ўша пайтлар колхоздаги бор маблағ ва куч фақат пахта етиштиришга сарфланган. Боғ колхоз учун иккинчи даражали тармоқ ҳисобланган. Хуллас, боғдан озми-кўпми фойдаланиш мақсадида бизлар билан бирга акаларим Шариф, Ашур ва опам Муяссарлар ҳам борганди. Хуршид акам Самарқанддаги ҳовлида қолганди. Боғдаги дарахтлар орасига ҳар хил экинлар экиб, деҳқончиликни бошладик. Ҳаммамиз эрталаб соат 5 да туриб, далада ишлаймиз. Ҳамма қатори онам ҳам уйқудан туриб, нонуштасиз 2-3 соат эркаклар қатори кетмон урарди. Кейин келиб 2 тандирлаб нон ёпарди, кир юварди, тушликка овқат пиширарди, сигирларни соғарди, сут қайнатарди, уни қатиқ қиларди, кечаги қатиқдан ёғни ажратиб оларди, сузма қиларди ва яна кетмонни олиб далага-отам ёнига кириб ишларди. Онамнинг дастурхон атрофида ўтириб бемалол овқатланганимизни эслай олмайман. Онам эртанги кунини яхшироқ қилишни, келажагимизни ёруғроқ қилишни, ўзи азобланса ҳам болалари роҳатланишини истагани учун кеча-ю кундуз тинмай меҳнат қилар эди. Бошидан кечираётган зулмни сабр-тоқат билан енгишга ҳаракат қиларди.

Онам ҳар куни иккита бир пудлик пақирга боғдан терган меваларни кўтариб 20 чақирим масофа йўл босиб Самарқанддаги Сиёб бозорига олиб бориб сотарди ва пулига ейишимиз, кийишимиз учун у-бу нарсалар олиб келарди. Онамнинг оғир юкини енгил қилишни, тўлдирилган пақирларни ҳеч бўлмаганида, ярим йўлгача чиқариб қўйишни на отам, на акаларим ўйламасдилар. Ҳар куни онамнинг саҳарда бозорга бораётганлигини кузатиб туриб, унга раҳмим келарди. Лекин иложим қанча, юк оғир эди. Мен ҳали кўтара олмасдим. Онам бозордан қайтгунича йўлини пойлаб, боғ ичида ўтирардим. Гўёки, онам шу кетганича қайтиб келмайдию, уни йўқотиб қўйишдан жуда-жуда қўрқардим. Ғоҳида атрофимда ҳеч ким бўлмаса, ўзимча йиғлаб ҳам олардим. Пешинда соат 1-2 ларда онамни бозордан қайтиб келаётганини узоқдан кўриб қолсам, шунақаям қувониб кетардимки, гўёки у менга янгидан жон ато қилаётгандай, атрофдаги дарахтлар қайтадан гуллаётгандек эди. Бу ҳис-туйғу менимча она меҳридан тўймаганлигим ёки она хоҳлаганича меҳрини боласига бера олмаётганидан содир бўлган бўлса ажаб эмас. Ғоҳида йиғлаганимни онам кўзларимга қара, пайқаб: “Нима учун йиғладинг?” - деб сўроққа тутарди. Мен унга: “Сизни соғинганимдан”, - деб жавоб берардим. Онам кулимсираб: «Йиғлама болагинам, полвоним, бу кунлар ҳам ўтиб кетар”, - деб тасалли берарди.

Ниҳоят, сентябр ойи ҳам етиб келди. Мен Чоршанба қишлоғидаги мактабга - 5 синфга бориб, ўқишимни давом эттиришим лозим эди. Лекин отамга бундай гап ёқмасди. Мен мактабга борсам молларига ким қарайди? Тайёр ишчини йўқотишни ким хоҳлайди?

Сентябр ойининг охирларида раҳматлик аммам - Тожиой кимдандир менинг мактабга бормаётганимни эшитиб, ғазабланиб, Самарқанддан Жомбойга келиб, отам билан қаттиқ жанжаллашиб, мени мактабга олиб бориб қўйди. Шу жанжал сабабли опа-ука бир-биридан 15 йилдан зиёд аразлашиб юрдилар. Октябр ойи охирларида оиламиз Хончарвоқда қишда яшаш шароити бўлмаганлиги сабабли яна Самарқандга кўчиб келди. Жомбойга бориб азоб чекиб, бой бўлмадик. Аксинча, онам соғлиғидан шикоят қиладиган бўлиб қолди. 1959 йили март-апрел ойлари эди. Онам дўхтирга мурожаат қилишга мажбур бўлиб, туман марказидаги поликлиникага борди. Бу вақтда Хуршид акам СамДУнинг тарих факультети талабаси эди. Онам касал ҳолатда бўлсаям, Хуршид акамнинг хоҳишини рад қилмасдан уни севган қизи Софиябонуга уйлантирди. У киши тўйдан кейин қўшни қишлоқдан ижарага уй топиб, алоҳида яшай бошлади ва бизлардан хабар олмай қўйди. Шундай бўлсаям, онам отамдан яширинча акамнинг рўзғорига ёрдамлашиб турардилар. Аста-секин аҳволи ёмонлашиб борди.



Онамга дўхтирлар аниқ ташхис қўя олмадилар. Мажбурликдан онам Самарқанд шаҳридаги касалхоналардан бирида ётди. Касалхонада қарийб ярим йил ётган бўлса-да, қариндошларимиздан ҳеч бири онамдан хабар олмасди. Менга бу, гўёки, онам борлигини катта ўғли, қизи, синглиси, турмуш ўртоғи, қўшнилари кўп яшай олмаслигини билиб, унутиб қўйгандай туюларди. Онам соғ-омон юрганида унинг атрофида ҳамиша одам гавжум эди. Улар ўз муаммоларини ҳал этиш учун келардилар. Касалхонага кўришга борсам, онам тўрт томонга қараб: “Яна сен келдингми, полвоним. Отанг, акаларинг, яхшими?”- деб сўраб: “Балли, раҳмат сенга!” - деб қўшиб қўярди. Кетмоқчи бўлганимда: “Баҳром, укаларингдан бохабар бўл, уларни хафа қилма, мактабга ўзинг билан бирга олиб бор, зинҳор ўқишдан қолманглар”, - деб тайинларди. Онам кўплар дардига малҳам бўлган бўлсаям, унинг касалига ҳеч ким шифо топа олмади. Онамни касалхонадан уйга олиб келдик. У овқат емасди. Касали оғирлиги онамга аён бўлган шекилли, отамга Чоршанба қишлоғидан кўчиш учун шаҳарга яқинроқ Хўжа Аҳрор қишлоғидаги Ашур акамнинг ҳовлисига уй қуриб беришини илтимос қила бошлади. Бундан мақсад болаларини мол боқишдан халос этиб, ўқишига шароит яратиш эди. Онамнинг боши ёстиқда бўлганлиги сабабли кундан-кунга отамнинг кайфияти тушиб борарди. Ашур акам ва Шариф акам отамдан узоқлаша бошладилар. Иккинчи томондан, бирдан уйимиздан хайр-барака кетди. Жомбойдан қайтишимизда Нарзиқул чўлоқ 14 та қорамолимизни, қайтиб Жомбойга келишимиз учун гаровга олиб қўйди. Биз қайтиб бора олмадик, моллар раис ихтиёрида қолди. Қўйларни сотиш дўхтурларга, дори-дармонга сарфлана бошланди. Устига-устак 1960 йили молларга катта солиқ тўлаш тартиби жорий этилди. Бозорларда мол олувчилардан сотувчи кўпайганди. Солиқ ахборотчилари уйма-уй юриб, молларни санаб жарима солиш билан овора эди. Отамнинг чавандозлик кайфияти аста-секин сўна бошлади. Моллар, отлар йўқ бўлганидан сўнг отам онамнинг Хўжа Аҳрор қишлоғига кўчиш таклифини қабул қилишга мажбур бўлди. Эски ҳовлидаги уйларни бузиб тахта-ёғочларини олиб Ашур аканинг ҳовлисида икки хоналик уй қуришни бошладик. Мен ғишт қуйишда отамга ёрдам бериб ярим кечгача ишлардим. Еганимиз сут ва нон эди, холос. Бир бош сигиримиз қолган эди. Униям ҳовлидан ташқарига чиқаришга колхоз бригадири Нуриддин бобо қўймасди. Онам яна касалхонага тушди. Уй деворларини кўтаришни бошлагандик. Икки ҳафта ўтгач, касалхонадан тезда онамни олиб келиш лозимлигини хабар беришди. Олиб келдик. Аҳволи оғирлашди. Олти кун ўтганидан кейин онам қазо қилди. Онам қазо қилганига ишонгим келмасди. Шунча йиғлайман дейман, кўз ёши йўқ. Катталар буни кўриб, менга ҳар хил ишларни буюрарди. Мен эса индамасдан бажарардим. Укаларим ҳаммаси бир жойга тўпланишиб нима бўлаётганини фаҳмлай олишмасди.

Нима учун одамлар йиғлаяпти, кўчаларга сув сепилаяпти, ҳовлимизда бегона одамлар тўпланган?

Мен узоқдан отамга қараб, унинг бўйи пасайганини, чўкиб қолганини, чавандоз-полвондан фақат ном қолганини сездим. Бир томондан онамнинг вафотида отам сабабчидай, унга нафрат кўзи билан қарардим. Уям буни сезгандай бўларди. Энди ҳеч ким менинг, укаларимнинг бошини силамасди, нон ёпмасди, ўқишимизни талаб қилмасди ва ниҳоят отам уни бошқа дўппослай олмасди. Ҳа, у меҳрини ўзи билан олиб кетгандай эди. Биз етимлар бир-биримизга қараб қолдик. Ўшанда бундай ҳолат ойларга эмас, балки узоқ йилларга чўзилишини ҳали мен билмас эдим. Ака-укалар бир-биридан узоқлашиб кетишини, отам менга бегона одамдай бўлиб қолишини, бизлар, етимчалар ҳеч қаерга сиғмаслигизни, мен, етимларнинг каттаси ҳали билмаганман.

1960 йил саратонда онамни кўмдик. Мен тоғам Фахриддиннинг ёнида туриб онамни дафн этиш маросимини узоқдан кузатардим. Менга ҳеч ким эътибор қилмасди. Кимдир 2 литрли банкани топиб, қабрнинг устига ўзича белги қўйди. Шу билан дафн маросими тугади. Сентябр ойида мен ҳам онам қабристони ёнида жойлашган 16-сон ўрта мактабга келиб, ўқишни давом эттирдим. Қабристонда одамлар молларини боқиши сабабли икки йилда онам қабри йўқолди. Отам, акаларим, хусусан онамнинг биринчи оиласидан бўлган ўқимишли Хуршид акам, тоғаларимдан бировталари онам қабрини йўқотмаслик чорасини кўрмадилар. Онамнинг ҳурматини, қолаверса, оддий инсон хотирасини бизлар, болалари учун сақлашга ақл-фаросати, одамгарчилиги, иймони етмади.

Энди полвон отам ўзи кир юварди, нон ёпарди, кичкина укаларимга қарар ва пул топиш учун қоровуллик қиларди. Онам ўлимидан 5-6 ой ўтгандан сўнг уйланмоқчи бўлди. Кўп жойларга совчи юборди.

**(Давоми бор)**

**Баҳром ИСТАМҚУЛОВ**

## ГАЗЕТХОНЛАРИМИЗ ИЖОДИДАН

### ОРЗУ

*Бир кун шундай шеърлар ёзайки,*
*Мафтун этсин барчани бирдек.*
*Азиз бўлсин, ҳар бир юракда,*
*Сақлангувчи пинҳона сирдек.*

*Қайта-қайта эслатиб турсин,*
*Ошиқларга хушторлигини.*
*Ўғри бўлиб, ўғирласин у,*
*Одамларнинг бедорлигини.*

*Бир кун шундай шеърлар ёзайки,*
*Ўқиганлар бари қувонсин.*
*Маржон янглиғ тизган сўзларим,*
*Олов бўлиб, ҳар бири ёнсин.*

*Ўт илашиб, бутун борлиққа,*
*Риё куйиб битсин, тафтидан.*
*Олам-олам маънолар ичсин,*
*Дунё ўша шеърнинг кафтидан.*

*Эртакларга етакласин у,*
*Одамларнинг хаёлларини.*
*Боғбон бўлиб, қора юракка*
*Эксин меҳр ниҳолларини.*
*Бир кун шундай шеърлар ёзайки...*

### СОҒИНЧ

*Узоқдаман, Сиздан узоқда,*
*Юпанч топмай, қийналади жон.*
*Тошкент деган азим шаҳарда*
*Қолиб кетар бўлдим онажон.*

*Бунда ҳаёт янгича буткул,*
*Ва янгича ҳислар туғёни.*
*Гангиб қолган бўлсам-да, лекин,*
*Мен шу ерда топдим дунёни.*

*Аммо, ўзим кимман, билмайман,*
*Соғинч тилка этар дилимни.*
*Йиғламайман, дод ҳам демайман,*
*Тишлаб олиб базўр тилимни.*

*Болалигим ортимда қолган,*
*Шўхликка ва қувончларга бой.*
*Қадрдоним ёлғиз мен билан,*
*Бир маҳаллар дўст тутинган ой.*

*Лекин соғинч эҳтиросларга,*
*Кўмса ҳозир танҳо бошимни.*
*Айтинг она, бу тош шаҳарда,*
*Қайси тошга артай ёшимни?...*

***Иномжон АБДИЕВ,***
***талаба.***

## БИЗГА ХАТ ЁЗИНГ, КУТАМИЗ...

Газетанинг ўтган йиллардаги тахламларини варақларканмиз, сизнинг бевосита иштирокингиз билан саҳифалар нақадар бой бўлганлигини кўнгилдан кечирдик. Рукнларни бир эсласак: “Кунларнинг бирида”, “Фақат сизга аталган сўзим”, “Дил изҳори”, “Ҳаёт ташвишлари ва қувончлари”, “Хатлар, хатлар, хатлар”, “Акс-садо”, “Қиссадан ҳисса”, “2004 йил—Меҳр-мурувват йили”, “Яхшилардан сўз очдик”, “Тарбия соати”, “Оила табассуми”, “Туш таъбирномаси”, “Оила ва жамият” ўгитномаси”, “Ажойиб-ғаройиб”, “Арзи ҳол”, “Қилмиш-қидирмиш”, “О, муҳаббат”, “Хотира муқаддас”, “Оила”, “Болалар саҳифаси”. Кўрдингизми, қўлга қалам ва қоғоз олиб севимли газетангизга ўй-фикрларингизни ёзишингиз учун имконият майдони қанчалар кенг...

**Энди асосий гапга ўтсак, газета саҳифаларида 2004 йил охиригача энг кўп мақолалари эълон қилинган муаллифларимиз таҳририят ҳисобидан *бир йилга, олти ойга, уч ойга* бепул обуна қилинадилар. Албатта, мақолалар ҳакамлар ҳайъати томонидан танланади, сараланади, нашрга ва мукофотга тавсия этилади. Бизга хат жўнатарканcиз, турар жойингиз индексини, манзилни, исм-фамилиянгизни аниқ кўрсатинг.**

**Сизга ижодий муваффақиятлар тилаймиз. “Оила ва жамият” ҳамиша дўстингиз бўлиб қолсин!**

**Таҳририят**

# ҚОТИЛ МЕҲМОНЛАР

**“Меҳмон отангдан улуғ”, - деган ақидага деярли ҳамма риоя қилади. Бу миллий удумимиз. Лекин афсуслар бўлсинки, ҳаётда баъзида ана шундай муқаддас удумимизни оёқости қилувчилар, кўнгли очиқ инсонларнинг меҳмондўстлигидан фойдаланиб, сўнг дастурхонига, берган тузига хиёнат қилувчилар ҳам учрайди.**

- Оиламиз бошига мусибат тушди, - дейди эндигина 35 ёшдан ошган, ғам-аламдан ранглари заъфарон бўлган аёл кўз ёшларини тўхтатолмай. - Қайнотам ёлғизгина ўғлидан ажралиб, бу кўргиликка чидолмай, касалванд бўлиб қолдилар. Болаларим отасиз... Мен эса ногирон бўлиб қолдим. Билмадим, энди учта вояга етмаган фарзандимни қандай оёққа турғизаман, қалби эзилган қайнотамни нима деб овутаман.

Бир йил олдин эрим касалхонада даволаниб чиқди. Касалхонада сурхондарёлик бир йигит билан иноқлашиб қолишди. Эрим янги орттирган дўстига яшаш манзилимизни бериб, йўли тушса, меҳмонга келишини айтибди. Сурхондарёлик йигит ҳам ўзини узоқ куттирмай, ёнида бир йигит билан каттагина қоғоз қутини олма ва нокка тўлдириб, “Сурхондарёдан совға”,- деб кириб келди. Ёнидаги йигитни “тоғамнинг ўғли”, - деб таништирди. “Тоғасининг ўғли” аллақайси коллежни тугатган экан, дипломини олишга келишибди. Эрим “меҳмонлар ҳурматини жойига қўяйлик”, - деб ош дамлади. Дастурхон устида улар билан ярим тунгача гурунглашиб ўтирди. Сўнг ухлашга ўрин солиб берди. Эрталаб нонуштадан сўнг улар хайрлашиб чиқиб кетишди. Эрим ва мен ўз ишларимизга кетдик. Ўша куни кеч соат 8 ларда меҳмонлар: “Ишимиз битмади”, - деб яна қайтиб келишибди. Мен уйда бўлмаганлигим сабабли эрим уларни уйимиз ёнидаги кафега олиб бориб яна меҳмон қилибди. Уйга соат 11ларда қайтиб келишди. 16 ёшга тўлиб қолган катта фарзандимиз - ўғлим уларга ўрин тўшаб берди. Ўзи ҳам ўша хонада ухларди. Шу куни негадир меҳмонлардан норози бўлиб, зўрға улар ётган хонага, ухлашга кирди. Эрим ҳам тез ухлаб қолди. Энди кўзим илинган экан, тунги соат иккиларда уйимизда бақир-чақир бошланиб қолди.

Эрим шошиб меҳмонхонага қараб югурди. Мен ҳам изидан бордим. Лекин эшик олдида қотиб қолдим. Меҳмонлар билан бир хонада ухлаган ўғлим диван олдида қўллари ва майкаси қон бўлиб турганини кўрдим. Иккала меҳмон эримни ўртага олиб калтаклашаётган экан. Шу пайт ўғлим қочиш учун ташқари эшикка қараб югурди. Қўллари қалтираб эшикни оча бошлади. Уни кўрган “меҳмон”лардан бири югуриб келиб, боламнинг орқасига, қўлларига пичоқ билан ура кетди. Лекин ўғлим уни силтаб ташлаб, ташқарига чиқиб қочди. Унинг изидан мен ҳам чиқиб, қўшниникига қараб қочмоқчи эдим, ўғлимга ташланган йигит изимдан қувиб етдида, орқамга пичоқ билан урди. Сўнг қўли билан юзимга ва бўйнимга мушт туширди. Шу пайт кўчага қараб қочаётган ўғлимни сезиб, яна унинг орқасидан қувиб кетди. Бу орада мен подъездга чиқиб, кўчага қочмоқчи бўлдим, қолаверса боламдан хавотир олиб, изидан югурдим. Лекин уйдан иккинчи йигит югуриб чиқди-да, мени тутиб олди ва қорнимга бир неча марта пичоқ урди. Бақир-чақирдан қўшнилар югуриб чиқиб, тез ёрдам ва милицияга хабар беришибди. Оғир операциядан сўнг, беш кун деганда ҳушимга келдим. 12 кун деганда эримнинг қотиллар томонидан ўлдирилганлигини, ўғлим неча кун давомида шу касалхонада даволаниб, омон қолганлигини билдим. Қотилларни ўша куннинг ўзидаёқ қўлга олишибди. Суд мажлислари даврида уларнинг асл башаралари аниқланди. Маълум бўлишича, иккала йигит ҳам меҳнат қилишдан қочиб, ўғирлик қилиб, тутқич бермай юрганлардан экан. Улар яшайдиган ижара хонадондан қўлқоп ва ниқобларни топишибди. Ўғлим ўша мудҳиш тунда меҳмонларнинг уйимиздан пул ва қимматбаҳо буюмлар излаётганлигини кўриб қолган. Улар эса ими-жимида боламни гумдон қилишмоқчи бўлган. Хуллас уларнинг уйимизга ўғирлик қилиш учун келганлиги маълум бўлди — қилмишларига яраша жазоларини олишди.

Аммо... болаларимнинг отаси... қадрдоним, турмуш ўртоғим тирилиб келмайди... Ёки шикастланган ошқозоним, эзилган жигарим тузалиб қолмайди. Ҳалиям Оллоҳга шукр, шифокорларга раҳмат, болаларимнинг пешонасига жонимни асраб қолишди. Омон бўлсак, бир кунимизни кўрамиз, фарзандларим ўсиб, ҳаётда ўз йўлларини топишар... Бироқ қалбимиздаги оғриқларимиз ҳеч қачон битмайди. Бу гапларни айтишдан мақсадим - халқимиз меҳмондўст халқ. Соддалик қилиб биз каби куйиб қолувчилар бўлмасин, дейман. Бизнинг ҳаётимиз уларга ибрат бўлсин. Ҳамиша дўсту душманларидан огоҳ бўлиб юришсин, нопок инсонлардан озор чекишмасин!

**Аёл кетди. Унинг ғамгин ҳикоясидан ҳаммамиз ҳушёр тортдик. Унинг сўзлари ҳақ эди. Ҳамиша дўсту душманларимиздан огоҳ бўлиб юришимиз, ўз уйимизни, осойишталигимизни ўзимиз қўриқлашимиз, атрофга, одамларга сергакроқ боқишимиз керак.**

**Лола АҲМЕДОВА**

# ҚИЗЛАРИМНИ КЎЗИМ ҚИЙМАЙДИ...

**Таҳририятимизга қорачадан келган, озғин бир йигит кириб келди. Ниҳоятда тушкунликка тушгани боис гапни нимадан бошлашни билмай бироз калаваланди. Нурсиз кўзларига тикилиб, далда берган бўлдим.**

**- Ука, ҳаяжонланмай, бемалол гапираверинг. Нима мақсадда келгандингиз?**

-Боши берк кўчага кириб қолдим. Оиламни сақлаб қолишга ёрдам берсаларингиз.

**- Ким сизнинг оилангизни бузмоқчи?**

**Йигит гапимга жавоб қайтармай елка қисди ва сўзида давом этди.**

- Асли қашқадарёликман. Саккиз йил бурун Тошкентдаги заводлардан бирига ишга кирдим. 4 ой яхши ишлаганимдан кейин оилавий ётоқхонадан уй беришди. Қишлоқдан хотиним ва икки қизимни ҳам кўчириб келиб яшай бошладим. Хотиним болаларни боғчага жойлаб, бир ташкилотга фаррош бўлиб ишга жойлашиб олди. Иккаламизнинг маошимиз билан амал-тақал қилиб яшардик. 2001 йил буйрагим шамоллаб касалхонага тушиб қолдим. Даволаниб чиққанимдан кейин ишга чақиришди. Мен батамом тузалмаганим боис анча вақт ишга чиқмадим. Охири аризамни ёзиб ишдан бўшашимдан ўзга чорам қолмади. Шу билан ётоқхонадаги уйим ҳам қўлдан кетди. Омад ҳам, омадсизлик ҳам кетма-кет келаркан. Ўзим ишга яроқсиз, ижарама-ижара яшашдан қийналиб кетдим. Бу орада хотинимнинг менга хиёнат қилаётганлиги маълум бўлиб қолди. Мен касаллигим туфайли яқин орада унга умуман яқинлашмаганман. Кутилмаганда у ҳомиладор бўлиб қолди. Ётиғи билан сўраб-суриштириб бола кимданлигини билиб олдим. Қизларимнинг келажагини ўйлаб, бош ёрилса дўппининг остида қабилида иш тутишдан бошқа чорам қолмади. Мусофир юртда бошпананг бўлмагач, қийналиб кетаркансан киши. Хотинимни ота-онасиникига қўйиб келдим. Чунки ота-онамдан қолган уйда кенжа укам туради. Оиламиз шаънига тушган доғ ҳақидаги гап қишлоққа ҳам етиб борди. Қариндош-уруғларимнинг сочи тикка бўлди.

Ҳозир кунига 500 сўмдан тўлаб ижарада яшаб юрибман. Топиш-тутишим ўртача 70-80 минг атрофида. Ҳар ойда қишлоққа бориб, қизларимни кўриб келаман. Хотинимнинг саргузаштдан орттирган ўғли ҳам тетапоя бўлиб қолди. Бу норасида гўдакка заррача ҳам ғаразли кўз билан қарамайман. Мени таҳририятга бошлаб келган нарса эса юқорида айтган гапларим эмас. Бу ишлар бўлиб ўтган, энди уни ортга қайтариб ҳам, тузатиб ҳам бўлмайди. Оиламнинг барбод бўлиб кетишига йўл қўймаганим учун бутун қариндош-уруғим мендан юз ўгирди. “Ё шу хиёнаткор хотинингни дейсан, ё бизни. Шу қилгани учун жавобини бер-да, онаси ўпмаган қизни ол. Бир умр куйиб ўлсин”, - дейишади. Аммо мен бундай қилишга ожизман. Шуларни ўйлаб кундуз ишимда унум, кечаси уйқумда ҳаловатим йўқ. Қариндош-уруғимдан ҳам, болаларимдан ҳам кеча олмайман.

**Йигит билан анча гаплашиб ўтирдик. У нима бўлганда ҳам оиласини сақлаб қолиш ниятида. Уни изтиробга солаётган нарса эса қариндошларининг талаби. Лекин у бу талабни бажаришга ожиз. Нима қилмоқ керак? У қайси бармоғини тишласа ҳам жони оғрийди. Оиласини, фарзандларининг келажагини ҳар қандай хатодан баланд қўяди.**

**Мен йигитга ҳаёт фақат тушкунликдан иборат эмаслигини, унинг қувончлари ҳам бисёрлигини таъкидладим.**

**- Бу муаммони мақола қилиб ёзиб, мухлисларимиз эътиборига ҳавола қиламиз. Қани, бу ҳақда улар нима дейшаркин,- дедим.**

**Йигитнинг нурсизланиб қолган қорачиқлари туб-тубида учқунлар пайдо бўлганини пайқадим.**

**Тоҳир НОРИМОВ**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# МЕН БОЛАМ ДЕБ КУЯМАН



- Туманимиз мактабида “Одобнома” фанидан дарс бераман. Аммо буни қарангки, ўзимнинг Нозимжон исмли ўғлимни тарбиялай олмадим, - дейди андижонлик Муҳаббат опа. -Ўғлим ёшлигида 100 сўм пул сўраса 200 сўм қилиб бердим, битта кўйлак сўраса, иккита қилиб олиб бердим, ўгайлигим билинмасин,- дея кўнглига қарадим.

**- Нозимжон ўзингизни фарзандингиз эмасми?**

- Бунинг тарихи узун. Биринчи турмуш ўртоғим автоҳалокатга учраб оламдан ўтди. Ўртада фарзандимиз йўқ эди. 2 ўғил ва бир қизи бор, аёли оламдан ўтган Собир акага турмушга чиқдим. Болалар мени ўз оналаридек қабул қилишди. Оила даврасида «у» ҳақда гап кетса, доимо «опам» деб гапирар, болалар оналарини эслашса жаҳлим чиқмасди. Аксинча, улардан оналарининг яхши хусусиятлари, гўзал одатлари ҳақида билиб олдим ва ўз феълимни ўзгартиришга қарор қилдим ва бунга эришдим. Ўн йил деганда ўзим ҳам бир ўғил, бир қиз фарзанд кўрдим. Икки боламни битта кўзим билан яхши кўрсам, эримнинг болаларини иккала кўзим билан суйдим. Аммо, Нозимжоним ношукр чиқди. Биринчи хотинига кўнгилсиз эди. Келинимнинг бурнида шамоллаши бор экан. Бир-икки даволатдик бўлмади. Иккинчи марта уйлантирдик. Яхшигина қиз. Аммо ўғлим унга ҳам кўп озор бераяпти. Ичиб олиб ярим тунда келади. Яқинда бир воқеа юз берганди. Шундан кейин маҳаллада бош кўтариб юролмай қолдик. Нозимжон синфдош ўртоқлари билан “гап”да ўтириб, тўйгунича ичган. Бунга қаноат қилмай, “қора дори” ҳам чекиб олган.

Кайф устида “Камаз” машинасига ортилган катта-катта ёғочларни қўшни қишлоқнинг асфальт йўлига тўкиб ҳеч нарса бўлмагандек уйга келиб ётиб олган. Тунда бу воқеадан бехабар келаётган “Москвич” машинаси ёғоч ғўлаларга урилиб, автоҳалокатга учраган. Буни қарангки, ёшгина бир эркак хотинини туғруқхонага олиб кетаётган экан. Қўрқиб кетган аёл ўша ернинг ўзидаёқ туғиб қўйган. Яхшиямки, ёнида қайнонаси бор экан, чап қўли сингānига қарамай, ўнг қўли билан боланинг ҳаётини сақлаб қолибди. Афсуски, келин анчагача жонлантириш бўлимида ётди. Оила аъзоларимиз билан бирга унга қон бердик. Соғлиғи тикланиб шифохонадан эсон-омон чиқиб уйига кетди. Яхши одамлар экан. “Ҳеч қандай даъвоимиз йўқ”, - дейишди. Афсуски, баъзи бир ғаламислар ҳалокат содир этилган пайтда гувоҳларни йиғиб “айрим ҳужжатлар”га қўл қўйдириб олган экан. Ҳайдовчи йигитни ҳам: “Даъвойингни милициядан қайтариб олсанг, сенга пул ундириб берамиз”, - деб ҳол-жонига қўймаётган экан.

**- Хўжайинингиз ўғлининг қилмишига бефарқ қараб турмаган бўлса керак?**

- Нимасини айтасиз? “Қирқ йил чанг чиқмаган хонадонимнинг юзини ерга қаратдинг. Сендай ўғлим йўқ”, - деб боласидан кечиб юборди. Нозимжон ўзига келиб, бўлган воқеадан уялди. Дадасидан, мендан кечирим сўради. Ҳозир наркология диспансерида даволанаяпти. Аммо менинг юрагим куйиб кул бўлди. Яқинда маҳалла аҳли йиғилиб бизни масжидга чақиришди. Хўжайиним: “Мен ўғлим учун маҳалла-кўй олдида жавоб бермайман, ўзи чиқсин”,- деди. Аёл бошим билан ўзим масжидга чиқиб, бир уй эркак олдида ўғлим учун узр сўрадим. Оқсоқолимиз бу иш бошқа қайтарилса оқибати ёмон бўлишини айтиб огоҳлантирди. Мажлис якунланаётганда ён қўшниларимдан бири: “Нозимни қаматиш керак, токи бошқаларга ҳам сабоқ бўлсин”, - деса бўладими?! Юрагим музлаб кетди. “Қўшни, илоҳим сизнинг болаларингиз менинг ўғлимга ўхшамасин”, - дея йиғлаб сиқтадим. Шунда у: «ўгайсизку, бунча куюнасиз?»-деса бўладими? Қўшнимнинг гапларидан кейин ўзимни қўярга жой тополмай қолдим.

**- Нега бунчалар куйиб ёнасиз? Гуноҳ қилган одам ўз вақтида жазосини ҳам олиши керак-ку!**

- Болам ҳали ёш. Ҳаммамиз ҳам ёшликда хато қилганмиз. Ортидан «дада»лаб турадиган фарзанди бўлмаса, аччиқ устида ўзини бир бало қилиб қўйса, кейин мен нима қиламан?

***Менинг аёлга, онага раҳмим келди. У мени ўзига ҳамфикр, ҳамдард бўлишимни истаб келганди. Ўгай бўлса-да фарзандига нисбатан улкан меҳр борлигини ҳис қилдим. Аммо унга бирон-бир жўяли маслаҳат беришга ожизлик қилдим. Балки кўпни кўрган юртдошларимиз бу ишнинг уддасидан чиқишар, дея умид қилиб ушбу мақолага нуқта қўйдим.***

**Нигора ЙЎЛДОШЕВА.**

# БОЛАЛАР ТАҚДИРИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Ака, сиз оилангизни қайта тиклаш умидингиз бор. Шундайми?! Бўлмаса дардларингизни газетага ёзиб, маслаҳат сўрамаган бўлардингиз.

Оилангиз билан яна бирга бўлиш имкони борми? Агар бор бўлса, болаларингизнинг бахти, келажаги учун хотинингиз билан ярашинг. Ўтмишингизни бир ўйлаб кўринг, севишиб турмуш қургансиз, бахтли яшагансизлар-ку!

Ҳаётнинг оғир ва енгил тарафлари бўлади. Кўпчилик инсонлар ҳаётнинг енгил тарафини ўйлаб кетишади. Аслида қийинчиликларини енга билиш керак, шунда ютиб чиқасиз. Ака, яна тирик етимлар сонини купайтирманг. Болаларни ота-она меҳридан жудо қилманг. Хотинингиз уч боласи бўла туриб, хиёнат қилган экан, сиздан айрилгач, яна шу қилғиликни қилмайди, деб ким кафолат бера олади?

Акажон! Уч фарзандингизни ота меҳридан жудо қилиб, бошқа аёл билан бахтли бўлармикансиз?! Йўқ! Барибир руҳан эзилиб, уларни ўйлайверасиз.

Бу билан оила бузилишида сизни айбдор демоқчи эмасман, асло! Хиёнаткор хотинингизни айблашим, қоралашим мумкин. Аммо сизга оғир ботишини ўйлаб, қалбингизнинг яна яраланишини истамайман. Оллоҳим кечиримли инсонлар орзу-ниятларини амалга оширади, дейишган. Шундай иш қилингки, болаларингизни тирик етимликдан асраб қолинг. Оғир гуноҳ иш қилган хотинингизни ўғилларингиз, муҳаббатингиз ҳурмати кечиринг.

Мен болажон бўлганим учунми катта орзуйим-имкон туғилса "Болалар уйи"га ёрдам бериш, уларни бир кун бўлса-да, бахтли кўриш.

Сизга сабр-бардош, бахт тилайман. Оилангиз билан бахтли ҳаёт кечираётганингиз ҳақида севимли газетамиз "Оила ва жамият"га ёзиб юборасиз, деган умиддамиз.

**Лиза РЕЙМОВА,**
**Қорақалпоғистон Республикаси,**
**Тахтакўприк тумани.**

*"Йигитлик ғурурим синди" - 34-сон*

*Эслатма: Аёлим билан севишиб турмуш қурган эдик. 3 фарзандимиз бор. Оиламизга ҳамма ҳавас қиларди. Хотиним яхши маош оладиган ишга ўтдию, ўзгарди. Бир куни эса хиёнатига гувоҳ бўлдим. Ажрашдик.*

*МАРДОНБЕК,*
*Тошкент шаҳри.*

Акс-садо

# СИЗ МАРД БЎЛИНГ

Дил изҳорини ўқирканман, анча ўйланиб қолдим. Наҳотки, шу воқеалар ўзбек хонадонида юз бериши мумкин? Бу чидаб бўлмас иснoддан қаёққа қочиб қутулиш мумкин?

"Улар мени, ҳовлидаги супага ёткизишди. Ўзимни мастликка солиб, уларни кузатиб ётардим. Бироздан сўнг ўрнимдан турдим-да, уларнинг орқасидан, ётоқхонага кирдим. Ётоқхонанинг эшигини очсам хотиним... У ифлоснинг кучоғида тўлғониб ётибди. Уларни ўлдирмоқчи бўлдим-у, шайтонга ҳай бердим. У машинасини ташлаб қочиб қолди..."

Ё, алҳазар... Бу қандай бедодлик? Бундан ортиқ шармандалик ҳам бўладими? Қадимда бундай аёл зотига иснод келтирганлар, сазойи қилиниб, тошбўрон қилинарди.

Бундай аёлнинг эрига айтар сўзим: ажрашиб жуда тўғри қилгансиз. Кўз олдингизда содир бўлган воқеа бир ухлаб турсангиз унутиладиган ҳолат эмас-ку! Ўртада болалар сарсон. Шириндан-шакар уч боласи бўла туриб, шу йўлни тутган, ҳирсу-ҳавас балосига учраган ноинсофни фарзандлар уволи тутсин. Оллоҳнинг ғазабига учрасин.

Сиз мард бўлинг, фарзандларингизни ўз бағрингизга олинг. Катта бўлгач, тушуниб етар. Онасидан нафратланар. Ойни этак билан ёпиб бўлмайди-ку, ахир!

Яхшиямки, онангиз бор эканлар. Сизга маънавий суянчиқ, яна болаларингизга она топилгунча уларнинг меҳри, ардоғида бўлади.

Ҳаётда нотўғри қўйилган ҳар бир қадамнинг савол-жавоби бор. "Беамр қўлга тикан ҳам кирмайди", - дейишади машойихлар. Баъзан ўйлаб қоласан, ахлоқий бузуқлик қандай пайдо бўлади? Дарёни жиловланмаган сув, инсонни мўмай пул бузади. "Бу орада хотиним яхшигина маош оладиган ишга жойлашди. Шундан сўнг унинг менга бўлган муносабати бутунлай совиди", - дегансиз. Қалбида имон-эътиқод йўқ, фарзандлари олдидаги масъулликни унутган аёлнинг икки дунёси куйиб кул бўлғуси.

Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, жамиятимизни бу нопоклар булғамоқда. Она деган буюк ва муқаддас номга нолойиқларни оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш керак. Бу ҳам Оллоҳнинг синовлари. Эл назаридан қолиш, фарзандлар нафратига дучор бўлиш, Худонинг ургани-шу.

Ўткинчи дунёнинг ҳою-ҳавасларига муккасидан кетганлар жазосини топқусидир. Сизга мустаҳкам соғлиқ, болаларингизни бағрига олувчи солиҳа аёл тилаб қоламан.

**Ҳикмат МАҲСУМОВ**

*"Бегона вафо қилса-қариндошдир" - 32-сон.*

**ЭСЛАТМА:** *Ҳар жойда тунаб, тўғри келган «қора иш»ни қилдик. Бизга бегоналар қўноқ ва таом беришди, меҳр кўргизишди. Ҳа, меҳрсиз қариндошдан, олийжаноб бегона яхши экан!*

*Баҳром ИСТАМҚУЛОВ,*
*Самарқанд тумани.*

# БАҒРИМДАГИ ДУШМАНИМ...

Баҳром аканинг мақоласини ўқидим-у, қариндошдан афзал бўлиб қолган инсонларнинг ҳимматига таҳсин ўқидим. Аммо ҳаётда бу воқеанинг акси рўй бергани ҳақида ҳам эшитганман.

Дугонам З. асли андижонлик бўлиб, пойтахтда турмушга чиқди, бола-чақали бўлди, шу ерда ишлади, обрў орттирди. У жуда одампарвар бўлгани учунми, уйидан меҳмон аримасди. Айниқса дугонамнинг олийгоҳларда ўқиётган 3-4 жияни ҳам унинг уйида яшашарди. Н. яхши жойда ишлар, жиянларини ҳам моддий томондан ўзи таъминларди. 4 хонали уйда 4 фарзанди, эри ва тўрттала жияннинг ҳаёт кечириши анчагина бесаранжомлик туғдирарди. Н. эрининг олдида ноқулай аҳволда қолса-да, холаларига бу ҳақда бирор оғиз гапиролмасди. Бунинг устига иккала қиз ҳам ўз уйида яхши еб, яхши кийиб, ўрганишган, ишга эса бўйни ёр бермайдиганлардан чиқди.



Н.нинг қизларига уларнинг ўзига оро беришдан бўшамаслиги, ялқовлиги ёқмасди. Дугонам эса: "Энди улар омонат яшаб туришибди. Яқинда кетиб қолишса, зерикиб ҳам қоласизлар. Лекин эртага сенларнинг ноўрин битта гапинг ёдларидан чиқмаслиги мумкин. Меҳмонга зарда қилиб бўлмайди", - дея қизларини "босарди", қишлоқдагиларнинг олдида юзи шувут бўлиб қолишидан мулоҳаза қиларди.

Бир куни у эри билан тўйга бораётганда тилла зеб-зийнатларини тақмоқчи бўлди. Қараса, тақинчоқлар сирли равишда ғойиб бўлган... Қидирмаган жойи қолмади. Қизлари ҳам бу ҳолдан ҳайрон. Жиянлари оғзиларига талқон солиб олишганми, лом-мим дейишмасди. Ўша кунги тўй Н. учун "аза" бўлди. Эри унинг жиянлари олдида гапирмаган бўлса-да, лекин шундай ёмон қараш қилдики, бу нигоҳ бир умрга унинг эсида қолди. Тақинчоқлар шу бўйи изсиз йўқолди... Гумон иймондан айирар, деб Н. уни ҳеч кимдан "кўролмади".

Жиянлари ўқишни тугатиб, уйларига кетишди. Уларнинг ўрнига яна бошқалари келишди ҳамки, бу воқеа ҳақида қайтиб эслашмади... Тўғрироғи, эслашни исташмади. Н. холасининг катта қизи (ўзиникида яшаган) узатилаётганини эшитиб, бирор ёрдам керакмасмикин, деган ўй билан қишлоққа борди. Н.нинг тўсатдан ташриф буюриши ҳовли супуриб юрган қадрдон жиянини "тахта" қилиб қўйди. Чунки "Н. опаси ҳамиша қишлоққа келишини аввалдан хабар берарди"-да. Н. жиянининг юзидан ўпмоқчи бўлиб унга яқинлашаркан, бирдан "вой" дея, ток ургандек орқага тисарилди. Жиянининг бўйнида ўзининг тилла занжири товланиб турарди. Н.нинг кўзларида ғазаб ўти ёлқинланди:

- Сенга қилган яхшиликларимга жавобингми, бу? - дея қизнинг бўйнидан занжирни юлқиб олди.

Онаси "ҳой-ҳой"лаб югуриб келганда, қизи икки қўли билан юзини ёпиб, югурганча уйга кириб кетганди.

- Вой, нима гап, айланай? Тинчликми? "Тўй" деб, келдингизми, "уруш" дебми? - деганча саросимада Н.га қўл чўзди.

Н. холаси билан кўришди-ю, лаблари пирпираганча:

- Қизингизнинг шундай одати борлигини била туриб ҳам йўлдан қайтармабсиз-да, - деди.

- Вой-вой!.. Бериб юборган пулларимизни йиғиб, бечора қизим битта тақинчоқ олибди, нимаси ёмон бунинг? Хурсанд бўлиш ўрнига...

- Бировнинг мулкига хиёнат қилсину, мен "раҳмат" айтайми, холажон? Мана бу занжирнинг илмоғини тузаттирганман. Шу пайтгача кўнглини оғритмай деб, қизингиздан сўрашга ҳам ботинмаган эдим. Э, суф-э!..

Н. «тўй» деб келганига пушаймон бўлди. "Шу гапдан хабар топмагани, ўз жигарининг хиёнаткорлигини билмагани яхши эди. Энди уйдаги жиянларига қандай ишонаркин?"

Н. уйига келиб, жиянларини олийгоҳ ётоқхоналарига жойлаштирди. Вақти-вақти билан ўзи бориб, улардан хабар олиб келадиган бўлди...

**Баҳром ака, ҳаётда мана бундай ҳолларга дуч келиш ҳам мумкин экан. Ҳамманинг тошу тарозуси ҳар хил. Кимдир қариндошга меҳр кўргузиб, хиёнатга учраган бўлса, кимдир қариндош туфайли азият чекиб, бегонадан мурувват кўрган. Бир кам дунё, деганлари - шу-да!**

**САНОБАР**

*"Аввало дардингизга даво изланг" 36-сон*

ЭСЛАТМА: *Менинг ёшлигимдан бошим оғрирди. Ота-онамнинг бепарволиги туфайли касалим зўрайиб, ҳушимдан кетадиган бўлиб қолдим. Шу ҳолда турмушга чиқдим. Болам ҳам тутқаноқ касали билан туғилди-ю, нобуд бўлди.*

*Н.*
*Каттақўрғон шаҳри.*

# ЎЗИНГИЗ ҲАМ ДАРДИНГИЗГА ДАВО ИЗЛАНГ

Каттақўрғон шаҳридан Н. исмли синглимиз ўз бошидан кечирган дардлари ҳақидаги мақоласида ота-она, ака-ука, опа-сингилларини чиройли айблаб, оилавий муҳитидан норози бўлган. Гиналари ўринли. Ахир Н. ҳам ота-онасининг дилбанди-ку. Нега бефарқ бўлишди экан? Балки иқтисодий етишмоқчиликлар сабаб бўлгандир. Ҳар ҳолда изласа имкон, дардга эса чора топиларди.

1985 йилда Тошкентда чоп этилган "Саломатлик" энциклопедиясида 475-бетда босилган "Эпилепсия" мақоласида ушбу касаллик тўғрисида яхши маълумотлар берилган. Руҳий ва жисмоний ҳолатларнинг ўзгаришлари ҳақидаги тафсилотларни келтирмоқчи эмасман. У ерда таърифланган ҳолатга тушувчи беморларнинг касаллигини эпилепсия, тутқаноқ, куюнчик деб аталади. Тиббий ёрдамлар натижасида бемор ўша ҳолатдан эсон-омон чиқарилади. Хатто ўқиш билан ҳам тўлиқ тузалиш қийин. Тутқаноқ тузатишда амал рол уйнайди. Амал туфайли бу дарддан бутунлай фориғ бўлиб кетиш мумкин.

Тутқаноқ - бу руҳий касаллик Н. касалликни 1990 йилда орттирган. Ўша йили кимдир вафот этган. Ўша бу дунёдан ўтган киши билан Н. ўртасида қандайдир руҳий боғланиш бор. Ўлган киши мажбурдан уриб, суйиб ё авария туфайли ўлган киши ҳам бўлиши мумкин. Бу - геопатоген зона. Н.га илашган, билиб-билмай босиб ўтганми, вирус таъсир кўрсатмоқда. Демак, ойда бир марта хушини ўғирлаётир. Ўша руҳ ҳам тириклардан мадад кутади. Н.нинг ёрдамида осойишталик топади ва Н. яхши бўлиб кетади.

Бу руҳ бошқалардан ҳам ёрдам сўрайверади. Ота-онанинг хатоси қизининг тутқаноғи борлигини билиб туриб турмушга узатишган. Ундан фарзанд ҳам туғилган. Ўша вирус чақалоқда ҳам бўлган. Оллоҳ кечирсину чақалоқни бир умрлик азобдан эртароқ қутултирган. Туғма тутқаноқни даволаш қийин. Она қорнида вақти онаси шу дарддан халос бўлганда чақалоқ ҳам соғлом туғилган бўларди. (Менинг тажрибамда тўрт йилдан бери азоб берган тутқаноқ барҳам топган. 20 ёшли қиз тўрт йил илгари одам ўлдирилган жой-геопатоген зонани босган бўлган).

Н. ҳам иншооллоҳ тузалиб кетади.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ,**
**Қарши шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Онажонимиз Муҳаббат САФАРОВА!**

Сизни 20-сентябр туғилган кунингиз билан табриклаймиз! Бахтимизга доимо соғ бўлинг. Узоқ умр кўриб юринг.

Ўғлингиз МИРЖАҲОН

**Синглимиз САИДАБОНУ!**

Сени қутлуғ айёминг билан қутлайман. Куёвим Йўлдошбой билан фарзандларинг камолини, бахтини, роҳатини кўриш насиб этсин.

Опанг Марҳабо ва севимли жиянингиз



**Қадрдон дўстим Одинахон ИСМОИЛОВА!**

Таваллуд айёмингиз билан табриклайман. Сизга узоқ умр, соғлик, бахт ва омад тилаб хоразмлик дўстингиз, Сардорбек.

Янгиариқ тумани, Ш.Рашидов ш/х.



**Ҳурматли куёвимиз АКБАРЖОН!**
**Ширин-шакар набираларимиз АЪЗАМЖОН ва МУХЛИСАХОН!**

Сизларни таваллуд айёмингиз билан табриклаймиз. Соғ-саломат бўлиб умрингиз бахту саодатга тўлиқ бўлсин.Оилангиздан файзу баракот аримасин.

Рафиқангиз Раънохон ва Искандаровлар оиласи.

# ИТЛАР ҲАМЛАСИ

## туш таъбирномаси

Ҳаётда ҳар хил воқеа-ҳодисалар содир бўлади. Лекин ҳар ким ҳам тушида кўрган воқеаларининг нима билан якунланишини билмайди.

Бир оқшом туш кўрибман. Бир жойдан кетаётиб 5-6 та итлар тўдасига дуч келиб қолдим. Улар катта-катта чўпонларнинг итларига ўхшарди.

Бўйи каттаси дабдурустдан чап шимимнинг почасидан маҳкам тишлаб, у ёқдан-бу ёққа тортқилай бошлади. Бошқалари атрофимни ўраб олишди, қуршовида қолдим. Ҳаммалари навбатма-навбат вовуллаб ҳамла қилгудай яқинлашишарди. Оёғимни тишлаган итдан ўзимни ҳимоя қилиш учун уни ўнг оёғим билан тепмоқчи бўлдим, лекин тепа олмадим. Ердан бирор нарса олиб урай десам, ёнимдагилари энкайишга йўл бермайди...

Шу вақт бомдод намозига айтилган азон овозидан уйғониб кетдим. Ўрнимдан турдим, таҳорат олдим. Масжидга кетаётиб тушим таъбирининг нима бўлишини ўйлардим.

Шу куни жума эди. Масжидда мутавалли бўлиб ишлардим. Имом иккаламизнинг орамизда ола мушук ўтиб қолганди.

Имом мени ишдан бўшатиб, ўрнимга бошқа бир одамни қўймоқчи бўлиб, бир балони бошлаб юрган экан. Туш пайти хонамда ёзув-чизув ишларимни қилиб ўтирсам, ёнимиздаги катта хонадан қаттиқ-қаттиқ бақир-чақир овози эшитилиб қолди. Чиқиб бордим. Қарасам, тушимда кўрингандек бир қур одамлар хонада давра қуриб ўтиришибди. Мени кўришлари билан уларнинг жазаваси тутиб кетди. Бўйи узун, сийрак соқол-мўйловлиси гап бошлади: "Сен нега имомнинг айтганини бажармайсан? Сени ишдан бўшатганмиз-ку. Нега ишни топширмайсан? Ўрнингга фалончи қўйилди-ку!»

Ўша куни улар шаънимга оғир гаплар айтишди. Имом чурқ этиб оғзини очмади. "Одамлари" эса навбатма-навбат сўзлай бошлади.

Сабр косам тўлди, асабим бузилди. Имомга қараб: "Домла! Олдинги туҳмат, бўҳтонларингизни кечириб келгандим. Мана буларнинг ошкора ҳақоратлари юрагимни тешиб ўтди. Ишдан бўшаш тўғрисида бирор буйруқ ёки қарорларинг борми? 3-4 та одамларингизнинг гапи учун ишни топшириб кетаверайми? Пинҳона йиғилишларингиз жонимга тегди. Мен жума намозига кирмай милицияхонага бориб одам олиб келаман ва ишни бир ёқли қиламиз",- деб хонамни қулфлаб чиқаётгандим, даҳлизда ўтирганлардан бири ўрнидан сакраб турди-да, маҳкам қучоқлаб: "Акажон, бу шаштингиздан қайтинг, илтимос! Ҳамма гапларни эшитиб ўтирибмиз. Худойи таоло кимнинг ҳақ, кимнинг ноҳақ эканини билади. Шунга яраша жазосини беради. Юринг, жума намозини ўқийлик", - деди илтижо билан.

Жума намози ўқилди. Икки кундан кейин Имом касалликка чалинди. Икки ой уйида ётди. Охири ариза бериб ишдан бўшаб кетди. Ғаламислардан яна биттаси шикастланди. Иккитаси омонатни эгасига топширди, яъни, вафот этди. Хуллас, кўрган тушимнинг таъбири ана шундай ечим топди.

**Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Оққўрғон тумани,**
**Эски Олимкент қишлоғи.**


# ЭЪЛОНЛАР!

**ЭЪЛОН!!!**

Тошкент Молия Институти қошидаги **"BANNUR"** халқаро Бизнес мактаби қуйидаги курсларга қабул эълон қилади.

1.Олийгоҳларга кириш учун тестларига тайёрлаш, тайёрланадиган фанлардан 100 % билим берилади.

2.Инглиз тилини ўрганиш курслари.

Курслар тугагач Англияга ўқишга боришга имконият берилади.

***Манзилгоҳимиз: Ниёзбек йўли кўчаси, 6 (собиқ Урицкий кўчаси, "Юность" сартарошхонаси ёнида) Тошкент Молия институтининг молия факультети, 2 қават, 201-хона.***

**Тел: 134-01-36, 134-17-25**
**Автобуслар: 9, 19, 24, 51, 60, 72, 91, 93 Амир Темур кўчасидаги "Олой бозори" бекати. Метро: "Минор" бекати**



**«ЎКТАМХОН» замонавий ўқув маркази курсларга таклиф этади:**

1.Тикиш-бичиш - 3 ой. Бошловчилар учун 6 ой. 2. Ҳамширалик - 6 ой. 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт машғулотлари ўтилади. 3. Компьютер - 2 ой. Курс WINDOWS-2000, MICROSOFT, OFFICE-2002. Якка тартибда, кафолатли. Бисер-2 ойлик. 4. Сартарошлик - 3 ой, амалиёти билан. 5. Тиббий массаж - 2 ой, амалиёти билан. 6. Торт ва турли пишириқлар- 2 ой, олий курс - 1 ой. 7. Парда, чойшаблар. Элита усулида замонавий тикиш - 1 ой. 8. Сартарошлик (Эркаклар учун) - 2 ой. Каштачилик - (машинада вышивка) - 3 ой. 9. Инглиз тили - 3 ой. 10. Рус тили - 3 ой.

**Ўқишни тугатганларга диплом берилади. Ўқишга қабул ҳар куни.**

**Манзилимиз : Юнусобод тумани 3 мавзе, 1-уй, 31-хона. Мўлжал: Юнусобод бозори орқасида. Тел: 125-97-93, 121-77-72, 125-46-27, 21-17-95.**



Профессор Эргаш САЛИМОВ клиникаси барча турдаги аллергик, бўғин, ошқозон-ичак хасталикларини, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонал дорилар қўлланмайди. Аллергик касалликларни аниқлаб, даволашда турли аллергенларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

**МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникаси бекати. Тел: 49-43-33, 144-64-30.**

**УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ҒОЗИЕВИЧ**

**ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОҒРИГАН қовуғи бўш ЎҒИЛ ва ҚИЗ болаларни БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.**

**Буйрак, қовуқ, простата бези** касалликларини ДАВОЛАЙДИ.
**Манзил: Марказ-15, 12-уй (Жанггоҳ маҳалла)**
**Мўлжал: Метронинг Ғ. Ғулом бекати. Тел: 144-46-87 9:00-17:00гача**
**Чорсудан 123, 100 автобус. Марш. такси. 2, 4, 7, 77, 101. Себзор бекати.**

**Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар "Оила зийнати" Маркази қизларни ва келинчакларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида қуйидаги касблар бўйича ўқув курсларини ташкил этди. Марказда кам таъминланган оила фарзандлари бепул ўқитилади.**



**Ўқув муддати 2 ойлик курслар**

• Бичиш-тикиш • "Элита" усулида пардалар, чойшаблар ҳам тикиш • Бисерлардан фойдаланиб тикиш • Бошланғич компьютер билимлари (Windows 2000) • Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш • Сартарошлик • Косметология • Маникюр•Бухгалтерия-касса аппарати назоратчиси•Қандолатчилик-олий курс.

**Ўқув муддати 3 ойлик курслар**

• Миллий кўрпа-кўрпачалар тикиш • Юмшоқ ўйинчоқлар, бешик кўрпачалари ва ёстиқчаларини тикиш.

**Ўқув муддати 4 ойлик курслар**

- Массаж ва уй ҳамширалиги • Бичиш-тикиш (бошловчилар учун) • Машинада гул тикиш (вишивка).

**Курсларни битирган ўқувчиларга махсус сертификат берилади.**
**Манзил: "Халқлар дўстлиги" метроси. Фуркат кўчаси, 1 уй. Мўлжал: Республика спорт қўмитаси. Тадбиркорлар палатаси, 2 қават, 202 хона, 413 хона.**
**Телефон: 45-18-42, 29-28-58.**

**Э ъ л о н**

***Аудитхулоса. Фирмаларни бош бухгалтерлари учун янги ҳисоблар бўйича махсус курслар. Кафолат 100%. Тел 47-31-55.***


## «Оила ва жамият» ўгитномаси

Аёл ғийбати олдин эркакни ваҳимага солади, кейин — ҳайратга, охирида эса у ғийбат аёл зийнати эканлигига иқрор бўлади. Агар аёл ғийбати бўлмаганда нотиқларнинг нутқи-ғариб, ошиқларнинг тили — соқов, адибларнинг битиклари сийқа, тилнинг сержило қирраларидан дурдоналар яратиш мумкинлиги ҳеч кимнинг хаёлига келмасди.

* * *

Аёл — табиатнинг беқусур ва суқсур асари. Лекин у ҳаёт гули сўнмасин деб ўз беқусурлиги ва суқсурлигидан воз кечиб яшайди.

**Виктор АЛИМАСОВ,**
**фалсафа фанлари доктори**

**Об-ҳаво маълумоти**

Республика об-ҳавони кузатиш марказининг маълумотига кўра, Ўзбекистонда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди, фақат айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин. Шамолнинг йўналиши кучаяди. Ҳарорат кечаси **10-15°,** кундузи эса **27-32°** атрофида бўлади.

Республика «Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси жамоаси компаниянинг собиқ бўлим бошлиғи

**Мавлуда Исроиловна СОБИРОВАнинг**

вафоти муносабати билан оила аъзолари ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Бошингизга омад қуши қўниш эҳтимоли бор. Кутилмаган совғалар оласиз. Омадли кун сешанба.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Сиз ўз иқтидорингизни намойиш этиш учун шу ҳафтада ўз маҳоратингизни кўрсатишингиз зарур

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Ўзгаларнинг асабини бузиб ҳақлигингизни исботлашга урина кўрманг. Мағлубиятни тан олиш ҳам марднинг иши.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Шахсий ишларингиз учун вақтингизни қизғонманг. Аксинча ҳафта давомида уйингизга кўпроқ вақт ажратинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).**- Бизнес ишлари билан шуғуллансангиз анча даромадга эга бўласиз. Майда-чуйда гаплар билан вақтингизни ўтказманг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Муҳими, ғийбатлардан йироқ бўлинг. Ўз ҳиссиётларингизга ортиқча берилиб кетмаганингиз маъқул.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Саломатлигингизни яхшилаш учун шифокорга учрашинг. Иложи борича кўпроқ тоза ҳавода сайр қилинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).**- Ички ҳиссиётларингизга қулоқ солинг. Хато қилишнинг олдини олинг.

**ЎҚОТАР (23.11 — 21.12.).** - Яқинларингизни қадрласангиз, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўласиз. Ҳамкасбларингиз билан хушмуомала бўлинг.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12 — 20.01).** - Ўтган ҳаётингиздаги ҳар бир кунингиз омадли. Лекин шу ҳафтадаги кунларингиз янада кўпроқ бахт келтиради.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).**-Ишда қатъий ва аниқ режа асосида ишлашингиз керак. Омадли кун жума.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Муҳаббат ҳақидаги эртакларга кўп ҳам ишонманг. Севгилингиз ҳаёт синовларига тайёрми? Синаб кўришингиз зарур.

Ёшим 17 да. Бўш вақтларимда бадиий китоблар ўқийман, қўлимдан келганча тикувчилик қиламан. Шиорим: "Ишонч мўъжиза яратади, интилиш кашф қилади. Хоббим-табиий гулларни кўпайтириш. Қайси тилда ижро этилмасин муҳаббат ҳақидаги қўшиқларни тинглашни ёқтираман. Пазандачиликка ҳам қизиқаман. Ким ўзини яхши пазанда деб ҳисобласа, мен билан мактуб орқали суҳбат олиб боради, деган умиддаман.

**Зилола ХУШМУРОДОВА,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Бойсун тумани,**
**Тўда қишлоғи,**
**12-ўрта мактабнинг**
**11-синф ўқувчиси,**
**инд: 733200**

"Келинг дўстлашайлик" саҳифаси орқали жуда кўп дўстлар орттирдим. Афсуски, нукуслик дугонам Отемуродова Айпаришин ва чирчиқлик Ферузахон Ҳусанова мактубларимга жавоб йўлламаётганликларига ҳайронман. Сизлардан илтимос, мактуб жўнатинг.

**Мен сендан олдим маънолар,**
**Ҳаётимга етар сабоқлар.**
**Мен сендан топдим дўстлар,**
**Юракларга яқин мактублар.**
**Дўстларим кўп, армоним йўқ,**
**Сенда кўрдим меҳнат, орият,**
**Раҳмат сенга "Оила ва жамият"!**

**Феруза ТУРСУНОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Ангрен шаҳар,**
**Байналминалчилар,**
**43-уй, 2-саманний,**
**инд: 702500**

Мафтункор Нурободнинг "Улус" қишлоғида туғилганман.Орзуларим бисёр, дўстларим жуда кўп. Аммо бундан-да кўп бўлишини хоҳлайман. Самарқандлик Мунисхон, сарикўллик Камолахон, бухоролик Маҳлиёхонлар нима учун мактуб ёзмай қўйдиларингиз? Наҳотки дўстлигимиз атиги 1 ойгина давом этса? Мен дўстлигимиз абадий бўлишини хоҳлагандим. Хатларингизни интизорлик билан кутаман.

**Зубайда ЭРГАШЕВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод тумани,**
**«Улус» ширкат хўжалиги,**
**Дмитров-4 қишлоғи, инд: 703313**

1986 йил 21-август асад буржи остида таваллуд топганман. Табиатан ҳар нарсага қизиқувчанман. Хонанда Умид Шахобовнинг қўшиқлари мухлисасиман. Оилада ёлғиз қиз бўлганим учун эрка қизман. Битта-ю битта акамни жуда яхши кўраман. Бўш вақтларимда ойимга уй ишларида ёрдамлашаман. Дўстларим жуда кўп, лекин уларнинг сафи янада кенгайишини истайман. Ўғил болалар билан ҳам, қиз болалар билан ҳам тез чиқишиб кетаман. Орзуим банк соҳасида ишлаш.

**Гули ХУДОЙҚУЛОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Пахтачи тумани,**
**Зарафшон ж/х**
**бригада 4,**
**инд: 701412**

Севимли хонандаларим "Болалар" гуруҳи. Бирдан-бир орзуим эса-шифокор бўлиш. Мен билан танишишни хоҳлаган қизлар мактубларини ҳамда суратларини ушбу манзилга жўнатишса мақсадга мувофиқ бўларди.

**Барно БОБОБЕКОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Бекобод шахри,**
**Гидрометрия қўрғони.**
**С.Шукуруллаев-13 уй, инд: 702910**

1981 йил 29 январда Бухоро шаҳрида туғилганман. Ҳаётда шўх ва ҳазилкашман. Ёлғончи ва иғвогар инсонлардан нафратланаман. Бўш вақтимни газета ўқиш, кроссворд тўлдириш ва мусиқа тинглаш билан ўтказаман. Севимли хонандаларим Юлдуз Усмонова, Анвар Ғаниев, Райҳона ва Анвар Санаев. Юрий Шатунов ва «Корни» гуруҳи. Севгини қадрлайман. Севгимга вафодорман. Шиорим: "Орзуларим ортидан интилиб яшаш"! Орзуларимнинг тубсиз дарё каби чеки йўқ. Касбим оператор бўлса-да, зардўзлик, тикувчилик, каштачилик ва ҳар хил ширинликлар пиширишга устаман. Компьютер ҳаётимнинг бир бўлагига айланиб қолган десам ҳам бўлади.

**Зебинисо РУСТАМОВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Бухоро шаҳри,**
**Ашраф Ғуломов кўчаси, 45-уй.**




Қадрдоним "Оила ва жамият"! Ёдингда бўлса дўст қидириб сенга мактуб йўллагандим. Мана энди беминнат ёрдаминг учун сенга ташаккур билдириш ниятида нома битаяпман. Сен туфайли республикамизнинг деярли барча вилоятларидан 30 га яқин дўстлар орттирдим. Ҳаттоки, Асака шаҳридан муҳрибон ака ҳам топдим. Абдуманноп ака билан туғишган ака-сингилдек иноқлашиб олдик. Бундан ташқари дўстларим Баҳром, Севара, Сайфиддин, Музаффар, Камола, Шерзод, Бобомурод, Олимжон, Абдусалом, Наргиза, Нилуфар, Нигора, Шоҳида, Сардор, Маъмура, Жамшид(бу рўйхатни узоқ давом эттириш мумкин)лар мен учун азиз ва ҳар қачон ҳамдард, ҳамфикрдир. Мени дўст билиб, ишонч кўрсатиб мактуб ёзган тенгдошларимга чексиз ташаккур.

**Гулшода УМАРОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Ўрта-Чирчиқ тумани,**
**Истиқбол ш\х,**
**Эвалак маҳалласи, Инд: 702300**

Ёшим 18 да. Оиламизда тўнғич ва ягона қизман. Битта қиз бўлганлигим учунми синглим, укаларим кўп бўлишини хоҳлайман. Дўстга озор беришни, хиёнатни ёмон кўраман. Муҳаббат куйчиси Анвар Санаев қўшиқлари жону дилим. Унинг қўшиқлари дардли бўлгани учунми юрагимдан чуқур жой олган. Шеъриятга қизиқаман ва ижод қилиб тураман. Шеърларим, мақолаларим туман газеталарида чоп этилган. Нурободдаги "Гулшан" адабий уюшмасида ўтказиладиган шеърият кечаларида қатнашаман. Нуробод шаҳар саноат коллежининг тикувчилик курсида ўқийман. Она тили, адабиёт, инглиз тили фанларига жуда қизиқаман. Бўш вақтимда газета, бадиий китобларни ўқишни, мусиқа тинглашни, хаёл суришни, турли таомлар тайёрлашни, дўстларимдан тез-тез мактублар олиб туришни ёқтираман. Хоббим-ўзимнинг ҳамда дўстларимнинг суратини эсдалик учун йиғиш.

**Инобат ТЎРАЕВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Нуробод тумани,**
**К/кўрғон ж/х, Қиличли қишлоғи.**

Мен 1987 йил 7 сентябрда туғилганман. Ҳозирда Паркентдаги 1-мактабнинг 11-синфига ўтдим.Китоб, журнал ва газета ўқишга қизиқаман. Ўзбекча қўшиқларни севиб тинглайман. Қиш, баҳор фасллари ёқади. Она тили, адабиёт, тарих фанларига қизиқаман.

**Нилуфар ПЎЛАТОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Паркент тумани,**
**А.Навоий кўчаси, 9 уй,**
**"Истиқлол" маҳалласи**

Мен 1987 йил чаён буржи остида туғилганман. Феълим гоҳида вазмин, гоҳо шўхман. Хуллас, вазиятга қараб иш тутаман. Етти ўлчаб, бир кесишга ҳаракат қиламан. Алданишни ёмон кўраман. Қизил атиргулни ёқтираман.

Дўстлар менга мактуб ёзинг. Мактубингизни кутаман.

**Гулчеҳра САЛАЕВА,**
**Хива шаҳри,**
**И.Хўжа кўчаси, 47-уй**

«Оила ва жамият" газетаси ҳар бир газетхон учун энг яқин сирдош, тўғри йўл кўрсатувчи маслакдош дўст деб биламан. Энг аввал "Келинг дўстлашайлик" рукни остида берилган мактубларни ўқиб чиқаман. Бутун Ўзбекистон бўйлаб дўстлик алоқалари ўрнатилаётганидан жуда хурсандман. Мақсадим-оққўнгил, самимий, дилкаш тенгдошларим билан дўстлик ришталарини боғлаш.

**Дилора ХОЛБОЕВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Ўрта-Чирчиқ тумани,**
**Тўй-тепа шаҳри,**
**Эвалак маҳалласи,173-уй**

Мен ҳам ўз тенгқурларим билан сирдош бўлишни хоҳлайман. Бўш пайтларимда китоб ўқишга қизиқаман. Дам олиш кунлари спортнинг футбол, волейбол тури билан шуғулланаман. Ўзбекистоннинг энг кучли жамоаси «Пахтакор»нинг ашаддий мухлисиман. Менимча, ҳар бир инсоннинг ўзи севган машғулоти бўлиши керак. Йўқса ҳаёт зерикарли туюлади. Менга мактуб йўлласангиз, дўст танлашда адашмайсиз.

**Ўғилжон САНАЕВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Хива тумани,**
**Рўзмат Мадаминов ж/х.**
**Бригада 7,инд:741419**

1989 йил 31 майда эгизаклар буржи остида туғилганман. Хоббим: расм чизиш, гулларни парваришлаш ва Голливуд кино юлдузлари ҳақида маълумот тўплаш. Чунки уларнинг ҳаётлари ҳам ўйнаган роллари каби ранг-баранг ва қизиқарли. Улар ҳақидаги мақолаларни ўқиш мен учун завқ-шавқ бағишлайди. "Интилганга толе ёр" дейишади. Келажакда машҳур архитектор бўлмоқчиман. Мактуб орқали республикамизнинг барча вилоятларидан дўстлар орттирмоқчиман.

**Ҳилола ҲАМРОЕВА**
**Навоий шаҳар,**
**Халқлар дўстлиги кўчаси,**
**144" а" уй, 14-хона**

Ёшим 20 да. Ҳозирда талабаман. Бадиий китобларни мутолаа қилишни хуш кўраман. Айниқса, жаҳон адабиёти дурдоналаридан бўлмиш «Ёлғизликнинг юз йили», «Женни Герхард», «Америка фожеаси» каби китоблар мени ўйлашга, мушоҳада қилишга чорлайди. Ўзимга ўхшаган самимий дўстлар орттирмоқчиман.

**Гулнора ҚУТЛИЕВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Урганч шаҳар,**
**Паҳлавон Маҳмуд**
**кўчаси 21 пр 4.**

Балиқ буржи остида таваллуд топганман. Қатъиятли, ориятли, самимий баъзида эса ҳазилкашман. Шеърлар ёзиб тураман. Спортнинг волейбол турига қизиқаман. "Оила ва жамият" газетасини мунтазам ўқиб бораман. Энг севимли саҳифам "Дил изҳори". Севимли газетамнинг "Келинг дўстлашайлик" саҳифаси орқали дўстлар орттирмоқчиман. Орзуим ота-онамга ва Ватанимга, Халқимга фидоий бўлиб хизмат қилиш. Мен ҳам дўстларим кўп бўлишини хоҳлайман. Мактубингизни интизорлик билан кутиб қоламан.

**Лазиз САИДОВ,**
**Бухоро вилояти,**
**Ғиждувон тумани,**
**Оқ олтин ширкат хўжалиги**
**Ғишти қишлоқ,**
**И.Тиллаев кўчаси 12-уй.**

Ёшим 16 да. Талабаман. Бухоро вилоят тиббиёт коллежида ўқийман. Бўш вақтларимда тиббиётга тааллуқли китобларни ўқийман. Мусиқа тинглашни, турли ширинликлар тайёрлашни хуш кўраман. Ушбу мактубим тенгдошларимни бефарқ қолдирмайди, деган умиддаман.

**Моҳира ҒАНИЕВА,**
**Бухоро вилояти,**
**Шофиркон тумани,**
**Саврак-2 кўчаси, 59-уй, инд: 706520**

Қадрдоним "Оила ва жамият"! Сен туфайли мен республикамизнинг турли шаҳарлари ва вилоятларидан 69 га яқин бир-биридан ажойиб ҳамфикр, ҳамсуҳбат дўстлар орттирдим. Шу ўринда сенга ўз миннатдорчилигимни билдириб ўтмоқчиман. Ушбу газета ҳар томонлама мукаммал ва тарбиявий аҳамиятга эга газета деб биламан. Қадрли газетамнинг тиниб-тинчимас ижодкорлари! Мен республикамиздаги барча инсонлар қадрдон дўст, ака-сингил бўлиб яшашлари истайман.

**Феруза ҚОДИРОВА,**
**Қашқадарё вилояти,**
**Косон тумани,**
**А.Навоий кўчаси, 17а-уй, 15-хонадон**

"Келинг дўстлашайлик" рукни орқали кўплаб тенгдошларимга мактуб ёзгандим. Афсуски хатларим жавобсиз қолди. Азизлар, мен ҳаётда меҳрибон дўст, ака-сингил меҳрига жуда ҳам муҳтожман. Дунёда мендек бир дўстингиз борлигини унутманг. Яхши инсонлар суҳбатини соғиниб яшашдан чарчамайман.

**Кумушбиби ҲАЙДАРОВА,**
**Сурхондарё вилояти,**
**Қумқўрғон тумани,**
**Усмон Носир кўчаси, 4-уй, 9-хонадон.**

1990 йил 21 июнда туғилганман. Менинг дўстларим жуда кўп, лекин вилоятларда ҳам дўстларим бўлишини хоҳлардим. Мен табиатан шўх қизман. Бошқалар билан тезда чиқишиб кетаман. Айни кунларда 36-сон умумтаълим мактабининг 9-синфида таҳсил оламан. Бўш вақтларимда мусиқа тинглашни ёқтираман.

**Дилафрўз КАРИМОВА,**
**Хоразм вилояти,**
**Хонқа тумани, Андалиб кўчаси, 83-уй.**

**Саҳифани Н. ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади**

# ҚАЙТА ОЛСАМ ЭДИ ҚОШИНГГА БУТКУЛ...

**“Дил изҳори”нгизни ўқигандик**

1993 йил... Кунларнинг бирида, мен-17 ёшли қишлоқлик содда қиз Тошкент Тиббиёт Олийгоҳига ҳужжат топширдим. Онажоним ва катта бувим мени ётоқхонага-яхши қизлар билан ҳамхона қилиб, эртасига йўлга чиқмоқчи бўлишди.

Худди ана шу кундан менинг мустақил ва катта шаҳардаги мусофир ҳаётим бошланди. Ўша маъсум кунларнинг бирида биз ака-сингил тутиндик. Сизни менга онам таништирган эдилар. Ҳамон ёдимда... Сиз аллақандай ҳарбий формада югуриб келиб қўлимиздаги юкимизни олдингиз. Аввал ойимдан, кейин мендан... Жомадонимни олаётганингизда “раҳмат”, дедим. Кейинчалик сизга оддийгина “раҳмат” билан бошланган миннатдорчилигимни самимий порлаб турган кўзларингизга умрбод қараб туриб айтиш насиб қилмаган бўлса-да, юрагимда беун айтажагимни кошки содда кўнглим сезган бўлса. Онам сизни жуда ҳурмат қилардилар. Ҳар гал уйга борганимда сизни сўраб: “Жуда яхши бола, акангдай ҳурмат қил”, - дердилар.

Сиз бир неча курс юқорида ўқирдингиз. “Синглингиз” эса сизни жуда ҳурмат қиларди.

Унга ҳамманинг ҳаваси келарди. Бирор йигит сизнинг юзингизга оёқ қўйиб, у қизга гап ташлашга журъат этолмасди. Ҳа, ўшанда мендан бахтиёр одам йўқ эди, дунёда. Кучли, бақувват “ака”, ётоқхонадаги ҳурмат, бир мусофир қиз дилини тоғ қадар юксалтирарди. Аммо, бир неча ой ўтиб юрагимда илоҳий бир туйғу уйғониб «ака» сўзини олдига исмингизни қўймасам айта олмаслигим, кўзларингизга тик қараб гапира олмаслигим мени энди осмон қадар бахтиёр айлади...

Ҳаммаси кундаликдан бошланди. Сизнинг тақдирингиз, кечинмаларингиз битилган қалин дафтар иккита бўлиб қайтишини кутмаган эдингиз. Менинг-да қалбим ҳамроҳига айланган ёзувларим жамламаси қўлингизда эди. Уни бераётганимда, ичида сизга аталган яримта варақ бўлмаса-да, йиллар ўтгач исмингиз минг-минг бора ёзилажак кундаликни кўксингизга босиб уйқуга кетган экансиз.

Орадан йиллар ўтди. Тақдиримизда бирга бўлиш насиб этмаган экан. Аммо ҳар гал кундаликни қўлга олганимда мактубларингизнинг бирида битилган ва кейинчалик қирқиб менинг қалб дафтаримга ёпиштирилган шеърга кўзим тушганида хотиротларим уйғониб сизни кўргим келаверади.

**Парчагина булут, чексиз осмон,**
**Адир ортидаги ёлғизоёқ йўл.**
**Барча қайғуларни унутиб**
**шодон,**
**Қайта олсам эди қошингга**
**буткул...**

“Қайта олсам эди”... қайта-қайта такрорлайди юрагим. Юрагимнинг тубидан бир ҳайқириқ келади, қайтариб бўлмас йиллар карвони мени сиздан йироқлаштираверади.



Эсингизда борми, илк марта кинога таклиф қилганингиз? Қишлоқнинг темир қонунларига бўйсунар юрак сизнинг олдингизда ожиз қолди. Фақат сизга қатъий қилиб айтган шартимни ҳамон эслаб куламан: “Илтимос, бизни ҳеч ким бирга кўрмасин. Бекатга чиқиб туринг, ҳозир чиқаман”, - дегандим. Яна “Халқлар дўстлиги”-га Даврон Ғойиповнинг концертига таклиф қилганингизда етиб боргач: “Агар ичкарида курсдошларим бўлса кирмайман”, - дегандим. Барчасини илиқ хотиралар билан эслайман.

Синглингиз, ука, жиянларингиз барчаси билан яхши таниш эдик. Мен Тошкентда сизнинг олдингизда юрганимда еттинчи осмонда парвоз айлардим. Фарғонамга - она Фарғонамга ҳар борганимда эса минг хил ўй-хаёллар билан қайтардим. “Сен менинг катта фарзандимсан. Сен яхши ўқиб келиб, ўзимизда энг зўр шифокор бўласан, дўхтирларнинг айби билан бевақт оламдан кўз юмган опанг ва укангнинг доғини душманимга ҳам раво кўрмайман”, - деб оламолам ниятлар қилган дадамнинг сўзини икки қилолмасдим. Кўнглимда эса сизга аталган энг гўзал сўзлар ўрнига мудом аччиқ-аччиқ гаплар эшитсангиз-да, ҳеч қачон мендан воз кечмас эдингиз. Мен эса янги-янги баҳоналар, ёлғонларни ишлатиб кўнглингизни оз бўлса-да, совутмоқ истагида муҳаббатталаб қалбимни озорлардим. Дилда бошқа-ю, тилда бошқа одамни “икки юзламачи” дердилар. Мен эса улар сирасига кираманми-йўқми, деб виждон азобида ўртанардим. Аммо сизнинг: “Ота рози-Худо рози”, сиз отангизни жуда ҳурмат қиласиз ва шунинг учун ҳам сизни жонимдан ортиқ кўраман”, - деб ёзган мактубингизни ёстиғим остида асрайман.

Баъзида гоҳ у қизнинг, гоҳ бу қизнинг кўнгил қўйган йигити билан ўрталари бузилса “оҳ-воҳ” қилиб, сўнг бир дунё ёмон сўзлар билан “севги” боғини вайрон айлаганларида уларни ёқламайман ва улар муҳаббат деб ўйлаган ўткинчи ҳиссиётни ўлчаб кўргувчи ҳеч қандай тарозу йўқлигига амин бўламан. Лекин қалбимнинг энг юксак армонида қолган энг азиз сиймонгизни муҳаббат осмонининг энг тўрида эъзозлайман. Балки йўлларимизни айро қилган Тангрим бир яхшига бир ёмон, иккиси бошқа икки инсонни бахтли қилсин деганми? Меҳрибон дадажонимнинг ҳар борганимда айтган тилак-ниятлари мени сиздан узоқроқ бўлишга ундарди. Менинг фикри ожизимча, дадам узоққа қиз бермоқчи эмаслигини ҳар гал силлиққина тушунтириб, мени она шаҳримга ипсиз боғларди.

Аммо кейинчалик онахонимга айтилган бир гапнинг беихтиёр гувоҳи бўлдиму, ўзимда йўқ севиндим: “Қизинг юзимизни қаро қилмайди. Унга ишонаман ва ўзи хоҳлаган инсонга турмушга узатаман”... Тошкентга таътилдан сўнг қайтишимда тўйингиз дарагини эшитган тун тонгга қадар йиғлаб чиқдим. Кундалигим варағига Муҳиддин Омоннинг тўрт мисра шеърини кўчирдим:

**Бир тишлам бахт беринг,**
**Бир қултум севинг.**
**Бир қушча эрки ҳам**
**менга етади,**
**Илтимос, биродар бир**
**қараб қўйинг.**
**Сандиқдаги иқбол занглаб**
**кетади...**

Бир тишлам бахт гадоси бўлган юрагим ўша сизнинг уйингизга ёрёр келган оқшом — 31 августдан бошлаб сизга бир бутун қўша бахтлар тилаб сандиқдаги асралган иқболи илинжида тонг оттирди. Ётоқхонага жуфти ҳалолингизни бошлаб келганингизда, ҳасад эмас, ҳавас-ла боқдим. Билинар-билинмас бўлажак фарзандингиз нишонасига қараганимда, сизларга ўн саккиз минг оламнинг бахтини сўрадим.

Мен ҳамон сизни кузатадиган деразамни қўмсайвераман. Сиз ҳадя этган ва аразлаганимда қайтариб берадиган китобларингизни ҳам, олдингизда тумтайиб, кетганингиздан сўнг мазза қилиб ейдиган шоколаду ширинликларни ҳам ёш гўдакдай соғинаман. Сиздан сўнг “Севаман сизни”, деб кимлар жар солмади, дейсиз?! Совға-саломларга қарагим келмас, ўлдим-куйдимларни эмас, “кундалик”даги пок сатрларни кутганларим сизга бўлган муҳаббатимни баттар оловлантирарди.

Сиз шунча севиб, ҳаттоки қўлимни ушлашга журъат этолмаганингиз менга пок туйғулар, азиз ниятлар билан уйлангандагина шаръий никоҳ билан тан маҳрам бўла олишингизни айтмасангиз ҳам, сезган кўнглим эгри ниятда “севги” изҳор қилганларнинг ҳақиқий башарасини очиб ташларди. Менинг бошимдан кечган барча азоблар худди ўзаро ваъдалашгандек сизнинг тақдирингизда ҳам битилганди. Касал бўлиб қолиб ўқишдан қолиш, сўнг тикланолмай қийналиш, туҳмату бўҳтонларга чидаб, умрнинг барча синовларига мардона бардош бериш... Кундалигимни ўқиб, ёзган мактубингизда “Болалигимиз ҳам, ўқувчилик йилларимиз ҳам, ота-онамиз ҳам ўхшар экан”,- сўзлари битилган эди. Оллоҳ мусофир шаҳардаги қийинчилигу кўнгил азобларини ҳам бир хилда бўлиб берганди. Аммо ҳеч бўлмаганда сизнинг қалбингиз мен ато этолмаган бахтни топиб, сизни оталик шаънига муяссар этган Тангрига минг-дан-минг шукрлар айтардим.

Фарҳод ака! Шу заминдан мен нафас олиб турган ҳаводан баҳраманд бўлиб, мен тунлар томоша қилиб талашган энг ёруғ юлдузни сиз ҳам умидвор нигоҳлар билан эркалашингизнинг ўзи ҳам бахт эмасми?! Ғанимлар нима десалар десин, аммо самимий, беғараз олий туйғунинг чўққиларда турган ҳар бир ҳарфига ҳам арзимас гап-сўзларга юрагимда ўрин йўқ. Сизга раҳмат билан бошланган миннатдорчилигимнинг асл боиси ҳам мана шу, сиз менга мард йигит, олижаноб инсон қандай бўлишини кўрсатиб, анча ёлғону фирибгарликлардан асраб қолдингиз.

Фарҳод ака, кунлардан бир куни, бу кундаликдан ташқари битилган қалб сўзларимни ҳам ўқирсиз. Кимлигимни эслаганингизнинг ўзиёқ менинг бахтим эмасми?!

Кунлардан бир куни мен ҳам кимнингдир хонадонига оппоқ либосда ташриф буюриб, сизнинг муҳаббатиннгиз туфайли пок сақланган номусим шарафи бир инсонни бахтиёр этганини кўриб, юзим ёруғ бўлганида илоҳий туйғуга тасаннолар айтажагим бахт эмасми?!

Биласизми, ҳар гал қўлимга қалам олиб шеър ёза бошлаганимда сиз ҳақингизда бир нима ёзгим келади, аммо нетайки илҳом париларидан-да, қизғонаман азиз сиймонгизни, шеърларимда эмас юрагимда асрагим келади. Зеро, кунларнинг бирида сизни учратган ўша ширин, мусаффо, беғараз дамлар учун Оллоҳга шукроналар айтавераман.

***Кунларнинг бирида сизни***
***учратган,***
***Юрагим покликка***
***компон бўлади.***
***Келин бўлмасам ҳам***
***Самарқандларга,***
***Бибихоним руҳи шодмон***
***бўлади.***
***Кунларнинг бирида***
***сизга илинган,***
***Бахтларим кўнглимга***
***меҳмон бўлади.***
***Сизга айтолмаган энг***
***азиз сўзим,***
***Муҳаббат аталган достон***
***бўлади,***
***Муҳаббат аталган осмон***
***бўлади...***

**Мадина БОНУ,**
**Фарғона**

**Таҳририятдан:** ***Бу дил изҳори газетамизнинг 1999 йил 34-сонида эълон қилинганди. Мадина Бону, ўшандан буён ҳаётингизда, қарашларингизда қандай ўзгаришлар юз берди? Ҳамон газетамизни ўқиётган бўлсангиз жавоб хати йўллайсиз, дея умид қиламиз.***

Oila va jamiyat

№ 38 (673) 16 сентябр — 22 сентябр 2004 йил

Оила ва жамият



ҚИССАДАН ҲИССА

# ЯХШИЛИК ҚИЛДИМУ БАЛОГА ҚОЛДИМ...

Ишдан сўнг уйга кетадиган бекатимга келдим. Автобусим ҳадеганда кўринавермагач, ўтиргичлардан бирига чўкдиму газета ўқий бошладим. Бир пайт ёнимда ғала-ғовур бошланди. Қарасам... Бир эркак ҳушидан кетиб ётибди. Кўпчилик унга қараб туришибди-ю, лекин биров унга ёрдам берай демайди.




Ниҳоят, бир киши уни кўтариб, ўтиргичга суяб ўтқизди. Унинг ранги оқариб кетган, хирилларди. Бир йигит қўлидаги телефонидан "Тез ёрдам" чақирди. Машина тезда келиб уни олиб кетди. Бу орада келган автобусга чиқиб ўтирдим. Боя бекатда турган бир жувон келиб ёнимга ўтирди.

Йўл-йўлакай суҳбатлашиб кетдик:

- Бир марта мана шунақа воқеа юз берганда, ўша бахтсиз одамга ёрдам бераман, деб бошим анча ғавғога қолганди, - деди-да, бошидан ўтган воқеани айта бошлади.

...Умримда бировга ёмонлик қилмаганман, ҳаммага қўлимдан келганича яхшилик қилиб юрардим. Аммо, менинг бу қилмишим бир куни қаттиқ панд беради, деб ўйламагандим.

Августнинг охирларида Ҳасан-Ҳусан ўғлимнинг туғилган куни эди. Уларга совға-салом, кийимлар олиш учун отчопар бозорига кетаётгандим. Ўша куни шанба бўлгани учун, одам кўп эди. Яхши ниятлар билан уйдан чиқиб, йўналиш таксиларидан бирига ўтирдим. Йўлда кетаркенман ёнимда ўтирган йигитнинг ранги оппоқ оқариб кетганлигини кўрдим. Йигит :

- Опа, валидолингиз йўқми? - деб сўради аранг.

Мен ҳар эҳтимолга қарши олиб юрадиган валидол таблеткамдан ва шишачада ҳар доим олиб юрадиган сувимдан ҳам узатдим. У дорини оғзига ташлаб сувдан ичди. Аммо, Чилонзордаги 16 - касалхона ёнидан ўтаётганимизда у бир "уҳ" тортди-ю, "Шилқ" этиб ўзини ташлаб юборди. Кейин кимдир ҳайдовчига :

- Шопир ака, келинг, шу ердаги касалхонага олиб кирайлик, савоб бўлар.Тағин бирор кори-ҳол бўлиб юрмасин, - деди. Кўпчилик буни маъқуллади.Касалхонага йигитни олиб келишганда, кўпчилик қатори мен ҳам машинадан тушиб ичкарига бирга кирдим. Чунки, ҳамшира бўлиб ишлаганим учун машинада унга ёрдам беришга анча ҳаракат қилдим. Аммо, қўлимдан келмади. Ҳамшира билан гаплашиб турардим. Йигитга ёрдам бериш учун ичкарига олиб киришмоқчи бўлаётганди, шифокор келиб қолди. У энгашиб йигитнинг томирини ушлаб кўрди-да, менга қараб:

-Кеч қолибсизлар-ку, синглим! Нега вақтида олиб келмадинглар? - дея сўради. Мен йигитни танимаслигимни, у билан бир машинада кетаётган йўловчи эканлигимни айтдим. Ҳайдовчи ҳам буни тасдиқлади. Сўнг милицияга қўнғироқ қилишди. Ҳужжатларни тайёрлай бошлашди. Ҳайдовчи иккимиз бўлган воқеани айтиб бердик. Ҳамшира манзилларимизни ёзиб, тўлдирилган қоғозларга қўл қўйдиришди. Яхшиямки, марҳумнинг ёнида паспорти бор экан, уйига хабар қиладиган бўлишди. Шундан сўнг ўз йўлимизга кетдик. Буни қарангки, ҳар эҳтимолга қарши келган машинамнинг рақамини ёзиб олгим келди. Ва ҳамёнимнинг бир четига қош бўяйдиган қаламим билан рақамларни нари-бери ёзиб олдим. Уч кундан кейин эса...

Уйимизда қиёмат бўлди...Қоп-қора кийиниб олган бир аёл эшигимизни тақиллатиб, мени сўради. Ҳайрон бўлганимча:

- Хайриниса мен бўламан,- дедим.

Шундан сўнг... У аёл мени уриб, юлиб кетди. Кўчамизда турган бир-иккита қўшни аёллар келишиб, аранг ажратиб олишди. Мен ҳангу-манг эдим. Йиғилган қўни-қўшнилар уни бироз тинчлантиришиб уйга олиб киришди. Кейин яна унинг жазаваси бошланди.

- Айт, манжалақи, эримни нима қилдинг? Уни сен ўлдиргансан? Сени қаматиб юбораман,-дея бақира бошлади. Шунда ўзимни тутиб олдим-да: "Синглим, сиз адашаяпсиз. Мен ўша куни ҳамма қатори эрингиз билан битта машинада оддий йўловчи эдим. Уни танимасдим ҳам. Шу машинада ўзини ташлаб юборди. Кейин ҳайдовчи, шулар қаторида мен ҳам касалхонага киргандик. Унга ачиндик" - дея тушунтирмоқчи бўлдим. У асти қулоқ солай демасди. Кейин қаердандир етиб келган маҳалламизнинг оқсоқоли бу жанжалга чек қўйди.

- Сизлар кимсизлар ўзи? Билиб-билмай бировнинг номини нега ёмонга чиқарасизлар? Олдин буни ҳайдовчидан сўрайлик, ўша кунги касалхонадаги ҳамшираларни топайлик, милиция бор экан. Улар билан ҳам гаплашамиз. Сизлар ҳам бўласизлар. Оиласи бузилиб кетса, нима бўлади, ахир? Мен туғилганимдан буён шу маҳаллада яшайман. Етти ёшдан етмиш яшаргача бўлганларнинг ҳаммасини қандай оёқ олишини яхши биламан.- деб жанжалга хулоса ясади. Эртасига улар яна келадиган бўлишди. Мен эса гувоҳларни йиғишим керак эди.

Мен йиғлаб аввал касалхонага бордим, бахтимга ўша ҳамшира мени таниди. Унга воқеани тушунтирдим. Бечора афсусланди. Чунки, манзилимни ўша берган ва миннатдорчилик билдиришса керак, деб ўйлаган экан. Бахтимга ўша куни ўзим келган машинанинг рақамларини ёзиб олиб яхши қилган эканман. Отчопар бозори бекатига бориб, ҳалиги ҳайдовчини изладим. У ишламаётган экан. Аммо, уни таниганлар уйини тушунтириб беришди. Бир амаллаб топдим-да, бошимга тушган кўргуликларни айтдим. Агар эртага уйимизга бормаса, маҳаллада ёмонотлиқ бўлиб қолишимни, оилам бузилиб кетиши мумкинлигини ҳам айтиб ялиниб-ёлвордим. У аввалига энсаси қотса-да, кейин рози бўлди. Унга ҳам уйимизнинг манзилини тушунтириб бир аҳволда уйга қайтдим. Маҳалладагиларга аллақачон гап етган бўлса керак, баъзи аёллар менга ғалатироқ қарашарди.

Келсам... Эрим дарғазаб, минг зиёли, диёнатли инсон бўлгани билан айтмаган гапи қолмади.

- Бизни маҳаллада шарманда қилдинг, мен-ку, гапингга ишонарман. Аммо, маҳалладагилар нима дейди? Энди бу ердан кўчиб кетишимиз керакми? - дея ўшқирди. Унга ҳаммаси яхши бўлишини, эртага гувоҳларим келишини айтдим.

- Барибир анча гап-сўзларга қоладиган бўлдик,- дерди қайнонам бошини чайқаб. Шу куни тонггача ухламадим. Бир амаллаб тонг оттирдим. Эрталаб соат 10 ларда эшик тақиллади. Қарасам кечаги ҳамшира... Шифокор ва иккита санитар билан келишибди. Чунки, санитарлар йигитни машинадан замбилга солиб олиб киришганди. Бироздан кейин эса ҳайдовчи ҳам етиб келди. Маҳалламизнинг оқсоқоли Райим ота кириб келганида, эри ўлган аёл ҳам яқинлари билан келишиб қолишди.

Эрим шу куни ишга бормади. Ҳайдовчи воқеани батафсил баён қилди. Воқеани кўрганлар Оллоҳни ўртага қўйиб буни тасдиқлашди. Мотамсаро аёл ҳамманинг олдида мендан, эримдан ва қайнонамдан кечирим сўради.

- Эримга охирги марта насибасини, дори ва сувини бегона бўлсангиз ҳам сиз берибсиз. Мен билан қиёматли опа-сингил бўлинг,-дея йиғлади.

Маҳалламизнинг оқсоқоли ақлли киши эди, у дарҳол қўшниларни йиғиб мажлис ўтказди. Бўлган гапни тушунтирди ва мен ҳақимда турли гап-сўзлар кўпаймаслигини таъкидлади. Ҳозир бориб-келиб турамиз. Аммо, ўша воқеанинг қори кетса ҳам музи кетмайди кўнглимдан. Аёл мени "опажон" дея минг айланиб ўргилса-да, энди кўчада бировга ўйлашиб яхшилик қиладиган бўлдим. Яхшилик ҳамма вақт савоб эмас, баъзан, бошга ғавғо ҳам келтираркан.

Жувон сўзини тугатиб, оғир хўрсинди.

Автобусдан тушиб иккимиз ўз йўлимизга кетдик. Аммо, унинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Чиндан ҳам, яхшилик доимо яхшилик келтирармикан ёки...

**Басира САЙДАЛИЕВА**

# ЁНҒИН

ҲИКОЯ

Онани яна йўтал тутди. У юмшоқ сочиғини оғзига босиш учун энгашди-ю, келинининг лаб буриб, терс ўгирилганига кўзи тушди. Йўтала-йўтала ўзини ёстиққа ташлади. Бу дард уни тарк этмаса, нима қилсин? Ўзига қолса, келинининг ёнида йўталармиди...

Келинининг жирканишлари набираларига ҳам ўтиб бораётганини сезмайди, дейсизми. Андижонга қанот боғлаб учгиси келади-ю, бир илинжи бор: эртами-индин ўғли Баҳодиржон Россиядан келади. Ўғил дийдорига интиқ она қалби таҳқирларга чидаб: "эсон-омон кириб келсин, кўзига кўзим тушсин, ўша куниёқ Андижонга кетаман", - деб ният қилиб ўтирибди.

Бу ёқда Гулбаҳорнинг бўйи чўзилиб қолган. Онаси ичида бўлса, дафтар-китобни баҳона қилиб намозшомда ўртоғиникига боргиси келади. Келини Жамиланинг эса мажлиси кўп. Бекзоднинг оғзига бир қошиқ иссиқ тутиш ҳам онанинг зиммасига тушди.

- Бувижон, дадам ҳали-вери келмаса керак, - деб қолди бир куни Бекзод.

- Нега ундай дейсан, болам?

- Аям Бахши холамга пулларини, нарсаларини бериб: "Эримни Россияга кетказиб беринг", - деганида Бахши холам дадамнинг йўлларини париларига очирган эди. Кеча аям яна Бахши холамга телефон қилди. "Эримнинг қайтиш йўлини тўсинг, ўша ёқларда юраверсин", - деди.



Онанинг юраги зириллаб кетди. Титроқ қўллари билан тўғраётган масаллиғини қўйиб, Бекзодга қаради:

- Ундай дема, болам. Аянг кўпчиликнинг назарида юрадиган одам, бахшига бормас...

- Ўзи бормаса ҳам телефонда гаплашиб олганидан кейин мих, исириқ, сув, ипларини ишхонасидаги қизлардан бериб юборади.

- Бу гапларни қўй, болам...

Онанинг кўзлари намланди. Бекзоднинг сочларини силаб, пичирлади:

- Оллоҳ инсоф берсин...

Жамилага бугун ҳам мажлис бўлди шекилли, болалар ухлаш учун телевизорни ўчиришганда эшик қўнғироғи жаранглади. Жамила йўлакда турганча ичкари кирмасдан, Онани чақирди:

- Буви, Андижонга машина борадиган бўлиб қолди. Тугунингизни олинг, бирйўла сизни ҳам ташлаб келамиз. Ўғлингиз Россиядан келса, олдингизга ўзи боради.

- Болам, кечаси йўл юриб...

- Э, бўлсангиз-чи тезроқ! Машина кутиб турибди! Ўзингиз икки минг сўм пул билан келгансиз! Келганингиздан бери еб-ичиб ётибсиз, йўталингизга дори қиляпсиз? Шундоғам ахлат олишга бериладиган пулни озиқ-овқатга ишлатиб юбордим!

- Ахлатнинг пулини озиқ-овқатга ишлатманг, болам. Баҳодирим ўзи Россияда бўлса ҳам топганини жўнатиб турибди-ку...

- Кўп гапирмай, тез бўлинг! Тайёр машинада уйингизга бориб оласиз! - деб Жамила ортига бурилди-да, Гулбаҳорни чақирди:

- Мана бу михларни газпечнинг оловига қўйгин. Исириқни тутатиб, кўк латтани ёндиргин. Газни ўчирма, мих қизиб тураверсин, - деб топшириқ бериб, кўчага шошилди.

Йўлак қоронғу экан, Она иккинчи қаватдан пастга бир амаллаб тушиб олди.

Жамила мажлисда чарчамаган эканми, Андижонга етгунча магнитофонда "Сен бўлмасанг - бошқаси", "Акажоним - акам" деган енгил қўшиқларни неча қайта айлантириб, бармоқларини қисирлатиб рақс тушиб кетди.

Қайтиш эса, Жамила учун яна ҳам кўнгилли бўлди: зим-зиё тун, салқин шабада, машина салонида атир, сигарет, конъякнинг омухта иси бошни айлантиради...

-Сиз билан учрашиб юрганимни Шуҳрат акам билмасин, Миродил ака, ҳар ҳолда бошлиғингиз... Эси бўлса, ўзи келиш ўрнига сизни юборармиди.

- Ўзингиз "гуллаб" қўймасангиз бўлди, Жамилахон. Ҳамма гап шу ерда қолсин. "Беш"ни ташланг!

Жамиланинг иссиқ кафтини ҳовучига олган Миродил уни қўйиб юборгиси келмади...

Тонг қоронғусида касалхонага икки "Тез ёрдам" бирин-кетин кириб келди. Биринчисида тутун ичида ухлаб димиқиб қолган Гулбаҳор ва Бекзоджон беҳуш ётар, иккинчисига эса Андижон - Фарғона муюлишида ағдарилиб кетган машина ичидан суғуриб олинган Жамила билан Миродил жойлаштирилган эди...

**Ирода ҲАМРОЗ,**
**Фарғона.**

**Қилган бу сафаримизга жуда кўп бўлган, узоқ йилларнинг гапи. Воқеалар ҳам эски. Жойлари жаннатдан бўлишсин. Биз биринчи ҳовлисига бориб тушган Тўлға қишлоғилик онамнинг катта тоғаси, ўта тақводор, илмли, муллаларнинг мулласи, художўй Барно бобо Шаманов, хотини Хурсанд момо, яна бир тоғамиз Тойлоқ Ёрқулов, хотини, ўғли Муқимтош (Асли исми Суюн)лардан менга шу воқеалар ёдгор бўлиб қолган, холос.**




# БИР САФАРДАН ИККИ ВОҚЕА

### АВЛИЁНИНГ БЕЛГИСИ

Хурсанд момо (чечам) ҳикоя қилгандилар:

-Ҳовлимизнинг орқасидаги ялангликда пасттаккина супача билан белги қилинган, бир четида зиёратчиларнинг чироқ ёқишларига мўлжалланган ўчоқча ҳам ясалган авлиёнинг жойи бор. “Барно авлиё бува зиёратгоҳи” деб аталади. Қишлоқ одамларининг ният қилганлари шу авлиёга атаб ис чиқаришиб, ҳалиги ўчоқчасида чироқ ёқишиб, танга, пул ташлашиб, тунаб, зиёрат қилиб кетишади. Шу супачага суяниб бир тут дарахти ҳам ўсган. Экилганига неча йиллар бўлган билмайман, жуда қадимий бўлса керак, одам сиғадиган коваклар ҳосил бўлган танаси қўл ушлашиб айланишса уч-тўрт одамнинг ҳам қучоғига сиғмас даражада йўғонлашиб кетган.



Бир қариндошимиз шу ялангликдан участка қурмоқчи бўлиб, ўзбошимчалик билан атрофларини пахса девор билан ўради. Авлиёнинг белгиси, супа билан тут ҳам ҳовли ичида қолди. Унинг бу шаккоклигини қишлоқда ҳаммага юзига гапирди. Ҳалиям шу томон деворини бузиб, ичкарироқдан олиб, авлиёнинг белгиси, супа билан тутни ҳовлидан ташқарида қолдиришини кўп айтишди.

- Шундай қилмасангиз бўлмайди. Зиёратга келувчилар қандай қилиб сизнинг дарвозангиздан кириб ўтишади. Токайгача келувчиларга дарвоза очиб ўтирасиз. Бу сизгаям, келувчиларгаям ўнғайсизлик туғдиради. Авлиёни ҳовли ичида сақлаш яхшилик эмас. Ёки, хусусийлаштириб олмоқчимисиз?

Бу гапларнинг биттасиям унга кор қилмади. Қайсарлик қилдими, тентаклик қилдими ёки бир парча ерни қизғаниб, хассислик қилдими, ишқилиб, ўз билганидан қолмади. Норозиликлар кўпаявергач, деворини зўрлаб буздиришларидан чўчидими ё ўзига бир нарса аввалдан теккан эканми, энди авлиё ҳам йўқ, зиёрат ҳам бўлмайди, деб трактор билан тутни қўпортириб, супани текислатиб ташлади. Касофати келиб-келиб хотинига урди. Узоқ ётди тўшакда азобланиб. Қайтиб турмай оламдан ўтди. Сал ўтмай ўзидаям белги кўрсатди. Ҳозир ажабтовур одам бўлиб қолган. Савдойими, телбами, хаёлотими, ишқилиб, нималиги Худога аён. Касалманддек ночор, кайфиятсиз юради.

### АЖИНА БИЛАН ТАНИШУВ

Онам раҳматлик билан иккимиз икки эшакни миниб, қирқ чақиримча йўл босиб, онамнинг тоғалари яшайдиган қишлоққа қидириб келдик. Барно тоғаникига тушдик. Иккинчи куни тушдан кейин иккинчи тоғаникига меҳмонга чақиришди. Мен тенгими, мендан бир-икки ёш каттароқми ёлғиз ўғли бор экан. Мен ўша пайтларда беш-олти ёшларда бўлсам керак. Тоғалар яшайдиган ичкари ҳовлининг орқа тарафига яна жуда катта боғ ҳовлиси, унинг этагида полиз майдони бор экан. Айнан Мирзакаримбой салтанатини эслатади. Дарахтларнинг шохларида ғуж-ғуж турфа мевалар. Полизда қовун, тарвузлар ғарқ пишган. Узун тахта, ёғочлардан ясалган дорларга, ҳатто дарахтларнинг шохларининг офтоб тегадиган жойларига ҳам қовунқоқилар осиб ташланган. Мевахўрлик, қовунхўрлик қилиб, шомгача боғ-у полизда юрдик. Қоронғу тушгач, орқага қайтдик. Боғ ҳовлидан ичкари ҳовлига пасттаккина тор эшикча томон келавердим. Бундай қарасам, эшикчанинг боғ томонидаги остонасида бир чиройли қоп-қора улоқча турган экан. Ушлаб олиш учун улоқчага ташландим. Улоқча қочмади. Бундан фойдаланиб, секин ёнига келдим-да, қулочимни ёздим-у, бир қўлимни томоғининг тагидан, иккинчисини думи томонидан қилиб қучоқлаб кўтариб олдим. Уй ҳайвонларини яхши кўрардим. Меҳр ва эркалаш билан лабимни улоқчанинг лабига теккиздим. Тумшуғини тепага қилиб, ғалати қараш қилди. Бир маҳал денг, бундай қарасам, сап-сариқ кучукча лабларимни ялаяпти. Жирканганлек бўлиб кетдим-у, жон ҳолатда ерга улоқтирдим. Ҳожат учун орқада қолган мезбон бола етиб келди. У эшикчани оҳиста очиб, ичкари ҳовлига ўтди. Орқасидан мен ҳам ўтмоқчи бўлиб, энди бир оёғимни буёққа ташлагандим, боғ томондан аёл киши отимни тутиб, баланд овозда чақирди. Орқамга бурилмоқчи бўлганимни биламан, қаттиқ силтов билан ичкари ҳовлига учиб ўтиб кетсам бўладими? Анграйиб қарасам, қўлимдан уй эгаси - мезбон боланинг ўгай онаси маҳкам тутиб турибди. Ҳеч нарсага фаҳмим етмасди. Қўлимни қўймай билагимдан тутганича уй томон етаклаб кетаркан, деди:

- Мен сизларнинг бу ёқда эканликларингни сираям билганим йўқ. Билганимда, кун ботмасдан чақириб олган бўлардим. Абдухолиқларникига ўйнаб чиқиб кетган бўлсанглар керак, деган хаёлда эдим. Юринглар, супага чиқиб овқатланиб олинглар.

Мезбон аёл ўзи, ўғли, онам ва менга ҳовли ўртасидаги баланд супага жой қилди. Онамнинг тоғаси гурунглашиб ўтирганидан сўнг, кечки овқат ейилиб, чой ичиб бўлингач, меҳмонхона тарафга қўйилган ёғоч сўрига бориб ётди. Ҳамма тўшакка чўзилганидан кейин онам билан мезбон аёл гурунглаша бошлади. Уй эгасининг гапларига қулоқ тутиб ётдим:

- Иккови кечқурунда боғ томонда экан, билмай қолибман. Булар эшикчадан буёққа ўтишаётганида кўриб қолдим. Юмуш билан эшикча ёнига боргандим. Аёл киши ўғлингизнинг отини тутиб, баланд овозда чақирди. Овоз боғнинг орқа томонидан келгани учун билдим-у, жон ҳолатда югуриб бориб, ўғлингизнинг қўлидан ушлаб бу томонга қандай силтаб тортиб олганимни ўзим ҳам билмай қолибман. Овозга жавоб қайтаришига улгуртирмадим. “Ҳа”, деб овоз берса тамом эди. Худонинг ўзи бир сақлади.

Қуриб кеткурнинг макони боғ адоғидан ўтган йўл четидаги катта гужум дарахти тагида бўлса керак. Шу томонлардан ўтган-қайтганларга кўп кўриниш берармиш. Ажина кўриб, бундай сурбет ажинани ҳечам кўрмагандим. Кун ботиб, теварак-атроф қоронғулашди дегунча манави эшикчанинг ёнида ўралашиб қолади. Аввалига аёл кишининг овозида отларимизни тутиб чақиради, сўнг улоқ, эчки бўлиб маърайди, охирида кучук бўлиб акиллаб-акиллаб, буёқдан ҳеч овоз, шарпа бўлмагач, анави девордаги тешик ёнида олов ёқиб бирпас туради-да, шу билан гум бўлади. Айрим кунлари ҳаракатларини ҳар куни такрорлайди, баъзида икки-уч кун кўринмай кетади. Бу ерда ажина қадимдан бўлган. Аввалда шу боғ яқинида ўтирган кимгадир қаттиқ шикаст ҳам берган. Отини тутиб, кечқурун чақириб келганида «ҳа» деб, овоз бериб чиққан экан-да. Бувамлар бизларга қаттиқ тайинларди: “Фақат қўрқманглар, чақирганига жавоб қилманглар, эътибор бермасдан юраверсанглар, ҳеч нарса қилолмайди, зиён етказолмайди”, - деб. Энди чақирадими, маърайдими, ҳурадими, олов ёқадими эътибор ҳам бермаймиз, қўрқмаймиз ҳам, ўрганиб кетганмиз. Бир куни аввалроқ олов ёқиб кетган жойини бориб кўрдим, кул-пул йўқ ўрнида.

Олти ой бурун гужум тагида бир воқеа бўлган. Қишлоқда бир савдойи киши бор эди. Ёлғиз яшарди. Озроқ ичиб ҳам юрарди. Бир кечқурун йўлдан уйига томон ўтиб бораётса, гужум тагида бир аёл қунишиб ўтирганмиш. Бефарқ ўтиб кетолмасдан, бемаҳалда гужум тагида ёлғиз қунишиб ўтирган аёлга қизиқсиниб гап қотибди:

- Кимсан, бемаҳалда ёлғиз ўзинг бу ерда нима қилиб ўтирибсан?

Аёл жавоб бермабди. Савдойининг ҳам савдойилиги тутиб, яна сўрабди. Аёл яна миқ этмабди.

-Таниб қолишимдан қўрқиб, гапирмаяпсанми, - у шундай деб аёлга яқинлашибди. - Мени кутаётган бўлмагин, тағин.

Аёл яна гапирмагач, ёнига чўккалаб, елкасидан қучибди. Кутилмаганда аёл унинг юзига шапалоқ тортиб юборибди. Олишув бошланибди. Ҳалиги савдойи доим белига икки қулочча чилвир ип боғлаб юрарди. Олиша туриб, белидаги чилвирни ечиб олибдида, аёлнинг икки қўлини боши устидан қилиб тортиб боғлабди. Чилвирнинг иккинчи учини дарахт танасига маҳкам боғлагач, зўрламоқчи бўлибди. У ёғини эслай олмасмиш.

Эртаси куни азонда йўлдан ўтаётган кимдир кўриб қолибди. Кийимлари ҳар томонга сочилиб ётган савдойи қипяланғоч ҳолда хушсиз ётганмиш. Кафтида арикдан сув олиб юзига сепибди. Хуллас, сал ўзига келтириб, кийинтиргач, бундай ҳолда ётишининг боисини сўрабди. Савдойи бўлган воқеани узуқ-юлуқ айтиб бергач, бирданига энтикиб сўрабди:

- Аёл қани?
- Қанақа аёл?
- Дарахтга боғланган аёлни айтаяпман!

Ўткинчи дарахт ёнига борибди. Бир учи дарахт танасига маҳкам қилиб боғланган чилвирнинг ерда ётган иккинчи учини қўлига олиб, зимдан разм солиб қараса, ҳалқача бўлиб боғланиб турган бу учига, ҳалқача ичига кучукнинг жунлари ёпишиб турганмиш. У воқеанинг асл маъносига тушуниб етибди-ю, савдойини уйига олиб борибди. Бечора кечга яқин оламдан ўтибди.

Мен бу гапларни эшитмасам-да, у пайтлари асл моҳиятини унчалик тўлиқ тушуниб етмасдим. Ажина ҳақидаям тўла тасаввурга эга эмасдим. Шунинг учун ўйлаб, мулоҳаза қилиб, хулоса чиқаришга ҳам ақлим етмаган. Фақатгина хотирамда сақланиб қолаверган. Энди хотираларни қайта жонлантириб, тиклаб, ўша воқеаларни эсларканман, кўтариб олганим қоп-қора улоқча, лабимни ялаётган сариқ кучукча ўзимга зиён етказмаганидан ҳам қувонаман, ҳам ажабланаман. Бунинг сабаби, у пайтларда ажина нималигини билмаганим, сесканиб қўрқмаганим, даҳшатга тушмаганим, улоқчанинг кучукчага айланиб қолиши ҳам онгимга етиб бормаганлиги ва болалик қилганимдан бўлса керак деб ўйлайман.

Яна бир томони, ўша ёшимгача ҳам мени ҳеч ким, ажина келди, алвасти келди... деб қўрқитмаган, юрагимга ғул-ғула солиб, кўнглимда ваҳима уйғотмаган. Ваҳимали номлар қалбимга ўрнашмаганди. Қисқаси, қўрқмас бўлиб ўсиб келаётганим боис, кўнглимга олмаганман. Илк бор ажина билан танишувим шундай бошланган. Кейингилари ҳақида бошқа гал ҳикоя қилиб берарман.

**Нормамат ТОҒА,**
**Қашқадарё вилояти.**

## ЖАНЖАЛЛИ ОИЛАДА БЎЙ ЎСМАЙДИ

Айрим оналар боласининг бўйи секин ўсаётганидан шикоят қиладилар. Бўйнинг ўсиши эса албатта боланинг овқатига ҳам боғлиқ. Болалар бўйини ўстириш хусусиятига эга бўлган кўкпиёз, сабзи, гулкарам каби сабзавотларни еб тургани маъқул.

Буюк Британиялик тадқиқотчилар шундай хулосага келдиларки, тез-тез жанжал бўлиб турадиган оилаларда боланинг бўйи тенгқурларига қараганда секин ўсар экан. Агар улар учун яшаш муҳити ўзгартирилмаса, боланинг бўйи тенгқурларига қараганда 10-15 см. пастроқ бўлиб қолиши мумкин. Шу боисдан уларни чўл ҳавосига олиб чиқиш ниҳоятда фойдалидир. Чунки чўл ҳавоси турли-туман шифобахш ўтўланларнинг ҳиди билан тўйинган бўлади. Бу эса боланинг нафас олишини равонлантириш билан биргаликда, унинг миясидаги руҳий толиқишларни очиб юборади. Худди ана шундай руҳий толиқиш, хафақонлик боланинг бўйини ўсишига салбий таъсир этар экан. Нима қилганда ҳам болангизни чўлга яқин жойларда дам олишига эътибор берганингиз маъқул.

## УЗУМ МЕЪДАНИ БАҚУВВАТ ҚИЛАДИ



Ота-боболаримиз нонуштага узумни иссиқ нон билан ейишни тавсия қилганлар. Бунинг сабаби саҳарда узилган узумда меъда қувватини оширувчи ширалар кўпроқ бўлади. Тандирдан янги узилган иссиқ нонда эса айнан узумнинг шифобахшлик хусусиятини оширувчи инфра қизил нурлар мавжуддир.

Шу боисдан узумни иссиқ нон билан еилганда, танада моддалар алмушинуви яхшиланиб, меъда ва юрак фаолияти мўътадиллашади. Баъзилар узумни уруғидан тозалаб истеъмол қилишни маъқул кўради. Боболаримиз эса бундай ҳолга йўл қўйишмайди. Чунки узумнинг шираси билан бир қаторда, унинг уруғи ҳам меъда ва ичак фаолияти учун фойдалидир. Узумнинг шираси хафақонлик касалидан фориғ қилишда бебаҳо малҳамдир. Унинг уруғи сийдик йўлидаги тиқинларни тозалаб, юракка енгиллик беради, кайфиятни кўтаради. Узумни наҳорда иссиқ нон билан тўйиб еяверинг.

## ҚЎРГА КЎМИЛГАН ДУМБУЛ



Қўрга кўмилган думбулнинг хуштаъмлиги кўпчиликка маълум. Унинг тўйимлилиги ва шифобахшлиги сувда қайнатиб пиширилганига нисбатан икки баробар юқоридир.

Негаки, маккажўхори дони ўтнинг ҳароратида қизиб-димиққанида, фойдали витаминларни сезиларли даражада ўзига жамлаб оларкан. Шу боисдан унинг шифобахшлик хусусияти ортиб, танага ҳам қувват, ҳам бардамлик инъом этаркан. Бундай думбулни истеъмол қилгандан сўнг, икки-уч қошиқ қатиқ ёки қаймоқ ичиб юборилса, баданга жуда яхши сингийди ва терини таранглаштириб, майда ажинларни йўқотиб юборади. Шу билан бирга ортиқча ёғларни йўқотиб, вужудни тетиклаштиради.

## САРИШТА БЎЛИНГ, КАСАЛЛАНМАЙСИЗ



Руҳшуносларнинг фикрича, жуда кўп хасталиклар одамнинг ўзига қарамай қўйиши натижасида келиб чиқаркан. Шу боисдан улар: инсон неча ёшда бўлишидан қатъий назар ўзини орасталаш билан ҳар куни шуғулланиши лозим, деб ҳисоблайдилар.

Демак, аёллар пардоз қилишдан ҳеч эринмасликлари лозим. Ўзини ораста тутиш одамга руҳий кўтаринкилик, хуш кайфият инъом этувчи муҳим омилдир. Бу эса касалликларни чекинтирибгина қолмай, қалбда яшаш иштиёқини жўштиради. Айнан ана шундай жўшқинлик танада касаллик аломатларининг ривожланишига йўл қўймайди.

Яна шундайки, қалбда бошқаларга меҳр ва ишонч қанчалик кучли бўлса, покизаликка, орасталикка риоя қилинса, турли касалликлардан узоқроқ бўларкан. Шундай экан, кийган кийимингиз тоза, чеҳрангиз ораста, меҳр ва мурувватингиз баланд бўлаверсин.

## НОРДОН ОЛЧА ВА НОРДОН АНОР ХИСЛАТИ



Нордон олча ва нордон анор шарбати асабийлашувнинг олдини олувчи энг ишончли табиий малҳамдир. Ҳар икки меванинг шарбатида юрак фаолиятини мўътадиллаштирувчи фойдали витаминлар серобдир.

Ҳар куни бир стакан олча шарбатини ичиб турган киши асаб касалликларига умуман чалинмайди. Анорнинг эса ширинга нисбатан нордони икки баробар фойдалидир. Нордон анор шарбати овқат ҳазм қилишни яхшилаш билан бирга асаб тизими фаолиятига самарали таъсир кўрсатиш хусусиятига эга. Айни пайтда мияда юзага келган тиқинларни очиб юборади. Чунки нордон олча ва нордон анор шарбати қонни тозалаб суюлтиради. Бу эса зеҳнни ўткир бўлишида муҳим омилдир. Қолаверса, одамнинг юзини тиниқлаштириб, гўзаллаштиради. Шамоллаш касалидан ҳам сақлайди.

## ЛАВЛАГИ ЕСАНГИЗ, БУҚОҚ БЎЛМАЙСИЗ



Қизил лавлаги йод моддасига бой сабзавотдир. Уни истеъмол қилган кишилар буқоқ касалига чалинмайдилар. Хитойликлар қизил лавлагини ҳатто песга даво бўлади, деб ҳисоблайдилар. Шу боисдан Хитойда қизил лавлаги жуда кўп таомларга қўшиб истеъмол қилинади.

Қизил лавлаги баданни қиздириш хусусиятига эга. Шу хусусияти билан у бадандаги қувватни оширади ва микробларга қирон келтиради. Уни суюқ овқатларга солиш ҳам, турли салатларга қўшиш ҳам бир хилда фойдалидир. Уни мунтазам истеъмол қилиб борган кишида вужуд тетиклиги таъминланади. Хотира ҳам мустаҳкамланиб, ҳам жисмоний, ҳам ақлий имконият кўтарилади.

Лавлаги солинган таомлар жигар касалига ҳам ниҳоятда яхши шифо бўлади. Лавлаги салати жизза билан истеъмол қилинса, шамоллашдан қолган асоратларни бадандан ҳайдаб чиқаради.

## САБЗИНИ КАРСИЛЛАТИБ ЕНГ

Тишингиз соғлом бўлса, сабзини яхши ювиб ташлаб, уни карсиллатиб еяверинг. Табобатчилар сабзини карсиллатиб ейиш натижасида ошқозон сўлак безлари ишлаб чиқаришни сезиларли кўпайтиради, деган хулосага келишди. Бу эса овқат ҳазм бўлишини осонлаштириб, қон босимини ҳам пасайтиради.

Сабзини тишлаб ейиш, тишларни ҳам мустаҳкамлайди. Ошқозон-ичак фаолияти ҳам сезиларли даражада яхшиланиб боравериди. Агар тишларингиз сабзини узиб олишга чайнашга ярамаса, уни қирғичдан ўтказиб, истеъмол қилсангиз ҳам бўлаверади. Ҳар куни сабзи истеъмол қилган кишининг юзи тиниқлашиб, вужуди эса тетиклашиб бораверади.



## ИЛОН ШЎРВАНИНГ ФОЙДАСИ

Илон шўрвани иссиғида бир мартагина симириб ичиб, ўраниб ётсангиз, сиздаги сурункали шамоллаш хасталиги тамомила йўқ бўлиб кетади. Чунки илон шўрвада (айниқса кулвар илон шўрвасида) бадандаги хилтларни ҳайдовчи хусусият кучлидир. Яъни касаллик қўзғовчи хилтлар тер билан бадандан чиқиб кетади.

Ҳозирда илон шўрва тайёловчиларни ҳар бир вилоятдан топса бўлади. Масалан, Андижон вилоятининг Пахтаобод туманида илон шўрва тайёрловчи оила бор. Ёки кўнглингиз кўтарса, бундай шўрвани уйда тайёрласа ҳам бўлади. Бунинг учун илоннинг бошини чопиб ташлаб, докага тугилади-да, қайноқ сувга беш дақиқа солинса, унинг пўсти осонгина шилинади. Сўнг илонни идишга солиб, паст оловда икки соат қайнатилса, шўрва тайёр бўлади. Унга туз ҳам, бошқа масаллиқ ҳам солинмайди.



**К.НИШОНОВ тайёрлади.**

Табобат нома

# САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**-Айтишларича, тибет монахларининг ёмон кайфиятни яхшилайдиган махсус усуллари бор экан?**

Тибетлик монахлар ёмон кайфиятдан қутулиш сирларини яхши билишади. Руҳшунослар ибодат қилиш хотиржам ҳолатга тушишнинг энг ишончли усули эканлигини таъкидлашади. Тибетлик монахлар шундай дея ибодат қилишаркан:

- Эй, Худоё! Ўзгартиришим мумкин бўлган нарсани ўзгартира олишим учун ўзинг куч-қудрат, ўзгартира олмайдиган нарсамга кўникишим учун матонат, сабру тоқат бергин! Шунингдек, биринчисини иккинчисидан ажрата олишим учун донолик ато этгин!

**- Кўпинча уйда мусиқа қўйиб юмуш қиламан. Бу иш қобилиятимиз ошишига ёрдам бериши мумкинми?**

Чиндан ҳам телевизор қўйган ҳолда ёки ёқимли мусиқалар садоси остида юмуш қилишни яхши кўрамиз. Бу бизнинг ишлаш қобилиятимизни оширади, деб ўйлашимиз ҳам рост. Аммо!..

Буни тажриба асосида текшириб кўрилганда бошқача, натижалар бергани маълум бўлди. Инсоннинг мияси кўргани ва эшитганини (ҳатто бизга умуман фойдаси бўлмаса ҳам) сезиш органлари орқали қабул қилар экан. Қувватни беҳуда нарсаларга сарфлаш эса тез толиқишга, баъзан эса асаб хуружига ҳам олиб келаркан.

**- Кўз толиққанда чарчоқни кетказиш компресс ёки соғайтирувчи бирор машқ қилиш мумкинми?**



Кўздаги чарчоқни кетказиш учун қуюқ чойдан ёки мойчечак (ромашка) дамламасидан тайёрланган компресс қўйсангиз, бирпасда кўзингиз равшан тортади.

Шунингдек асалдан қилинган компрессlар ҳам яхши таъсир қилади. Бунинг учун бир чой қошиқ табиий асални 1,5 стакан миқдоридаги қайнаган сув билан аралаштириб, совугач кўзингизни ювасиз.

Баъзан кўз тез толиқиб, кўриш хиралаша бошлайди. Шунда ҳар куни кўз олмасини юқорига, ёнга ва ҳар томонга 30 мартадан айлантириб машқ қилдиринг.

Юзингизни юваётганингизда кўзларингизга 40 марта сув билан секин секин уриш ҳам кўзлардаги қон айланишини яхшилайди.

**- Меҳнат таътилидан кейин иш бошлашим қийин бўлди. Дам олишнинг мияга таъсири борми?**

-Уч ҳафта давомида бирор иш қилмаган одамнинг миясида фаол ишлайдиган 20 нуқтанинг 10 тасидаги фаолият йўқолиб кетаркан. Дам оларканмиз, кундалик одатдан четга чиқамиз. Яъни, шошилиш, воқеаларга муносабат билдириш, тезкор қарорлар қабул қилишимизга ҳожат қолмайди. Бунинг натижасида доимо фаол ишлайдиган миямиз «дангаса» бўлиб қолади. Лекин, кундалик 10 дақиқалик машқ қилиш, кроссворд ечиш ёки шахмат-шашка ўйнаш миянинг иш қобилиятини сақлашга катта ёрдам беради.

**-Чаканда(облепиха) мевасидан қандай қилиб ёғ олиш мумкин?**

- Чаканда ёғи-сеҳрли малҳам! Азалдан аждодларимиз у билан куйганни, совуқ урганни, турли ошқозон ва ичак касалликларини даволаганлар. Ёғ шундай тайёрланади.

Мевани яхшилаб ювиб, қоронғи жойда қуритасиз. Сўнг кофе майдалагичда ёки ўғирчада туйиб, устига ёпиб турар даражада ўсимлик мойи қуясиз. Хона ҳароратида қуёш нури тушмайдиган жойда уни бир ҳафта сақлайсиз ва вақти-вақти билан аралаштириб турасиз. Шундан кейин ёғни сиқиб олиб, тинигунча кутасиз.

Эҳтиёт бўлинг, қуйқаси ёққа тушмасин!

Тайёр малҳамни шиша идишга қуйиб, совутгичда сақлаш тавсия этилади.

**- Менинг бошимга бир мусибат тушган - экзема билан оғриганман. Очиқ кийимлар кия олмайман. Ҳеч қандай дори наф бермаяпти. Нима қилай?**

- Бу касаллик билан оғриганлар оқсилли ва шўр овқатлардан парҳез қилишлари шарт. Кўк чойига организмни тозалаб, асабингизни тинчлантиради. Суви чиқиб турган экземага қўрғошин сувига ботирилган пахта ишлатилади. У билан 2%ли буров эритмаси ёки бор кислотаси эритмаси сурилади. Яранинг шилинишидан рух мойи қутқазади.

Бу касалликни даволашда яна бир халқона усулдан фойдаланиш мумкин: 2 ош қошиқ қатрон, 1 ош қошиқ ёнувчан суюқлик, 0,5 ош қошиқ асалари мўмиёси, 1 ош қошиқ асал, 1 ош қошиқ сирка эссенцияси, 4 ош қошиқ писта ёғи аралаштирилиб, 20 дақиқа паст оловда қўйиб, кавлаб турилади. Аралашмани совутиб; юпқа қилиб яраларга қўйилади. Иншоллоҳ, шифо топасиз.

**Ҳамида ва Мадина тайёрлашди.**

# ЯНГИЛИКЛАР, КАШФИЁТЛАР, ШОВ-ШУВЛАР

### ИНСОН АҚЛИ ТАНАДАН ТАШҚАРИДА ҲАМ ИШЛАЙ ОЛАРКАН

Яқинда Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, инсон ақли унинг танасидан ташқарида ҳам мавжуд бўларкан. Юрак-қон томир хасталиги билан оғриган беморларни текширган олимлар юқоридаги хулосага келишди.

Юраги 11 секунддан ортиқ вақтга тўхтаб қолган беморларнинг 15 % ўша чорасиз дақиқаларда ўз палаталарини қайдадир - юқорида кўриб туришганини айтадилар, деб тасдиқлайди шифокорлар.

Одатда, юрак 11 дақиқа ва ундан ортиқ вақт тўхтаб қолганда, мия фаолияти ҳам тўхтайди ва клиник ўлим содир бўлади. Шу сабабли олимлар ақл мия тўқималаридаги нейронларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ҳосиласи эмас, балки аниқ майдон бўлса керак деб, тахмин қилмоқдалар.

### КЎНГИЛ ОҒРИҒИ СИНГАН ОЁҚ ОҒРИҒИЧА БОР...

Ранжитилган одамлар бошидан ўтказган кўнгил оғриши оёғи синган одам бошидан кечирган оғриқдан кам эмас. Америкалик олимлар аниқлашларича, инсон танасида бўлган жисмоний оғриқ ҳам, қалбидан кечган руҳий оғриқ ҳам бош миянинг битта қисмида акс этар экан. Уларнинг фикрича, инсон учун энг кучли руҳий зарба - уни бошқалар тан олмаслигидир.

Тажриба даврида 13 киши ҳам кўнгилли бўлиб қатнашди ва бехосдан шу 13 киши ўйинда қатнашишга муносиб эмаслиги эълон қилинди. Айни вақтда ўзларига сездирмай уларнинг мия фаолиятини кузатиб турувчи аппаратлар ўрнатиб қўйилган эди. Асбоблар тажриба-ўйиндан чиқариб юборилганини эшитган лаҳзада бу кишиларнинг миясида кучли оғриқ бошланганини қайд этди. Бу оғриқ кучли жисмоний зарба еган одамда бўлган оғриқдан кам эмасди.

### ТИШ ЮВИШНИНГ ҲАМ МЕЪЁРИ БОР

Тишларни тозаламаслик ёки камдан-кам тозалаб юриш тишларни жуда тез ишдан чиқишига олиб келади. Бироқ узоқ тозалаш ҳам, фаол тозалаш ҳам зарарли. Бу тишларни нуратади ва тўкиб юборади. Тажриба ўтказишда қатнашган 12 кишининг тишларини кузатган британиялик олимлар ана шундай хулосага келдилар.

Тадқиқот қатнашчилари 16 хил тиш тозалаш усулини синаб кўрдилар: улар жағларига ўрнатилган тиш чўткасида 30 сониядан 3 дақиқагача вақт давомида 75-300 грамм босим билан тиш тозалашди. Тозалаш даври 2 дақиқа, босим кучи 150 граммга етганда тишни қоплаган ғубор кетиши сезиларли даражада фаоллашди, бироқ бу чегарадан ўтгач эса тишларни қоплаган зарарли нарсалар боягидек қолаверди. Тажриба "қурбонлари" компьютерга уланган электр чўткадан фойдаланишди. Стоматологлар оддий тиш чўткаси билан ювганда шундай натижа бўлишига ишонишди.



### УЙҚУ ҲАММАСИНИ ЭСЛАТАДИ

Рисоладагидек уйқу унутилган айрим маълумотларни эслатиш билан бирга, кундузи бизнинг эсимизга келмаган нарсаларни ҳам ёдимизга солади. Америкалик тадқиқотчилар ана шундай хулосага келдилар.

Тадқиқотларда 10 киши ихтиёрий равишда қатнашди. Яхши ухлаб дам олиб уйғонган киши кечаги иш кунида қаттиқ унутган нарсаларини эрталаб аниқ эслайди. Мутахассисларнинг фикрича, бу қисқа муддатли хотира яхши уйқу давомида "умри узоқ" хотирага айланишидан бир далолатдир.

Умуман, хотира узуқ-юлуқ бўлишидан қочиш учун яхши ухлаш кифоя.

### ГРИППНИ ХОҲИШИМИЗ КУЧИ БИЛАН ЕНГАМИЗ

Миямиз грипп ва шамоллашга қаршиликни назорат қилиб туришга қодир. Мия фаолияти билан ҳаяжонланиш ва организм иммунитети орасидаги тўғридан-тўғри боғлиқликни исботлаб берган олимлар юқоридаги хулосага келишди. Бу кашфиёт, жумладан, тажанг ҳолатда юрувчи кишилар нега тез-тез грипп билан оғриши сабабини изоҳлаб беради. АҚШлик бир гуруҳ невролог олимлар аниқлашича, ҳаяжонли ҳолатларнинг шаклланишидан ташқари организмнинг иммунитет тизими фаолиятида ҳам одамнинг бош мияси қобиғида содир бўлувчи электрик фаоллик ҳал қилувчи рол ўйнайди. Мутахассисларнинг фикрича, бу тажриба шуни кўрсатадики, бош мияси фаоллиги юқори бўлган кишилар гриппга қарши воситалардан яхши таъсирланадилар. Шу тариқа, олимлар одамнинг руҳий соғломлиги билан жисмоний саломатлиги ўртасида тўғридан-тўғри ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатиб бердилар.

### КИМ ЯХШИРОҚ КЎРАДИ: ЭРКАКЛАРМИ ЁКИ АЁЛЛАРМИ?

Нега эркаклар кўпинча шундоққина бурни остида турган нарсани ҳам кўрмайдилар? Аёллар эса бунинг акси: улар, аксинча, атроф-муҳитдаги жуда майда деталларни ҳам, ён-веридаги одамларнинг ташқи кўриниши, ҳатто хулқ-атворидаги зиғиртдек ўзгаришни ҳам дарров илғаш қобилиятига эга.

Врачлар буни шундай изоҳлайди: аёлларнинг кўзлари эркакларнинг кўзларига нисбатан кенгроқ доирани кўраркан. Рўзғор бекаларининг миясига яратган томонидан шундай дастур юкланганки, у бошининг тўрт тарафида мавжуд нарсаларни, ҳеч йўқса, 45 градусли сектор бўйича аниқ кўра олиши шарт, яъни ўнг ва чапдаги тепа ва пастдаги нарсалар унинг эътиборида - назарида бўлиши керак. Кўпгина зийрак аёлларнинг теваракни кўриш доираси 180 градусга тенг. Эркакларга эса ҳаёт бошқача бурчни юклаган: улар худди мерган овчилар сингари мақсадни кўзлари билан топа олишлари ва нишонни нигоҳидан қочирмаслиги зарур. Бу мақсад анча олисда бўлса ҳам барибир. Эркаклар олдиндаги узоқ масаофадаги нишонларни аниқ-тиниқ кўрадилар.

### УЗОҚ ЯШАШ УЧУН НИМАЛАРГА ЭЪТИБОР БЕРИШ ЗАРУР

Ўрта Осиё ва Кавказ халқлари орасида умри узоқ кишилар кўпроқ учрашини ҳамма яхши билади. Бироқ бу умри узоқлик сири табиий-экология омиллардан ташқари чекланилган умргузаронликка ҳам боғлиқлигини кўпчилик билмайди. Узоқ умр кўриш учун турмуш тарзида нималарга эътибор бериш зарурлигини илк бор 1912 йили Туркистонда чиқарилган "Қора Қут" газетаси эълон қилган эди. Унга кўра, кўп яшашнинг қуйидаги оддий қоидаларига амал қилган киши ўзининг юз ёшини нишонлаши аниқ:

**1.** Кўпроқ очиқ ҳавода юринг.
**2.** Эртароқ ухлаб, эрта туринг.
**3.** Олти соатдан оз, лекин етти ярим соатдан кўп ухламанг.
**4.** Чой ва кофени озроқ ичишга ҳаракат қилинг, чекиш ва алкагол ичимлигидан узоқ юринг.
**5.** Бир кунда бир мартагина гўшт енг.
**6.** Ҳар куни тонгда илиқ сувда ювининг.
**7.** Ҳафтада бир кун дам олинг, бу кунларда ўқиш ва ёзиш билан умуман шуғулланманг.
**8.** Ипакли (айниқса сунъий!) матодан тикилган кийимлар кийманг, кийимингиз иложи борича дағал матодан бўлсин.
**9.** Қаттиқ ҳаяжонланишдан сақланинг. Зўриқиб ақлий меҳнатга ўзингизни урманг.
**10.** Бўйдоқ бўлсангиз, уйланинг, бева бўлсангиз, дилкаш дўст топинг.
**11.** Ортиқча иссиқ хонадан қочинг.

**М.МУРОДОВА** тайёрлади.

# АТИРГУЛНИНГ ЕТТИ ХОСИЯТИ



**Мириқиб ухлатади**

Атиргулни гуллар маликаси, деб бежиз айтишмайди. Унинг ҳиди асаб тизимини тинчлантиради. Ётишдан аввалроқ ёстиғингиз устига тўрт-беш дона атиргул ташлаб қўйинг. Кейин уларни қўлга олиб, чойшабга бир сидра уриб чиқинг. Унинг ҳиди вужудингиздаги зўриқишларни босиб, ёқимли ва тинч уйқуни кафолатлайди.

**Ишга муҳаббат уйғотади**

Иш жойингизни атиргул билан безатинг. Яъни атиргулдан 4-5 донасини гулдонга солиб, яйратиб қўйинг. Иш бошлашдан олдин уларга боқиб, ҳидланг ва кайфиятингизни кўтариб олинг. Японияликлар атиргул ҳиди мия фаолиятини сезиларли яхшилайди, деган хулосага келдилар. Эрталабда атиргул ҳидидан баҳраманд бўлган кишининг иш унуми 15-20 фоизи ортар экан.

**У энг яхши совғадир**

Яқинларингизни туғилган кунига албатта атиргул совға қилинг. Агар севган қизингизга етти дона атиргул совға қилсангиз - бу муҳаббатингизни беғуборлиги рамзидир. Нега етти дона? Чунки етти иқлимнинг яхшилигини етти дона гулга жамладим, деган маъно акс этади. Оқ атиргул эса - оққўнгиллик рамзидир.

**Атиргулдан чой дамланг**

Атиргул япроғидан дамланган чой лаззатли ва шифобахшдир. Бунинг учун атиргул япроғини сувга солиб, икки-уч дақиқа қайнатсангиз кифоя. Уни иссиғида симириб ичинг. Ана шунда унинг хушбўй ҳиди ва таркибидаги фойдали углеводлар мияга ўрнашиб қолган беъмани хаёлларни ҳайдайди. Кайфиятингизни яхшилаб, юрагингиз фаолиятини мўътадиллаштиради.

**Биласизми?**

**Унинг сувида юз ювинг**

Атиргулни булоқ сувида 4-5 дақиқа қайнатилса, шифобахш гулоб тайёр бўлади. Гулоб билан юз ювилса, чеҳрангиз тиниқлашиб, турли доғлар йўқолиб кетади. Атиргул сувида бўйинни ювсангиз, майда ажинлар йўқолиб, бўйин териси силлиқлашади. Сиздан кун бўйи атиргул ҳиди келиб туради.

**Ундан мураббо тайёрланг**

Атиргулдан тайёрланган мураббо энг хушбўй ва шифобахш таомдир. Бундай қиём одамнинг мия қобиғига бевосита таъсир кўрсатиб, тафаккурни янгилаш хусусиятига эга. Бу айниқса сал нарсага сиқиладиганлар учун фойдалидир. Бунинг учун атиргул япроқларини йиғиб, шакарда ёки новвотда қайнатиб олсангиз кифоя. Агар сиз ҳар куни нонуштада гулқиём есангиз, ошқозондаги зарарли хилтларни қувади. Сизга тетиклик бахш этади.

**Салатга атиргул қўшинг**

Атиргул япроқларини майда тўғраб, бемалол салатга қўшсангиз бўлади. Айниқса, атиргул япроқлари сузмали салатларга мос тушади. Ўтмиш авлодларимиз атиргул япроғидан пишлоқли ва сузмали салатларни жуда кўп тайёрлаганлар. Бундай салатлар иштаҳани очади ва ичак-меъда фаолиятини яхшилайди. Баданни ёшартириш хусусиятига ҳам эга. Бундай салатни болалар ҳам бемалол истеъмол қилса бўлаверади. У бадандаги жамики ғуборни ҳайдаб, кайфиятни хушлайди.

**К.НИШОНОВ** тайёрлади.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Оила ва жамият

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила -133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00. Босишга топширилди- 21.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1040. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 16145
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — С. ФАХРИДДИНОВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 3 4 5 6